БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 182 (7629)
5 АВГУСТ ШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

СССРда Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сиёсий активлиги ғоят ўсган бир вазиятда ўтди. Совет халқи совет ҳукуматининг сталинча ташқи сиёсатини якдиллик блан ма'қуллади.

Тинчлик ишига муносиб ҳиссамиз

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети Мурожаатига СССР да имзо тўплаш юзасидан ўтказилган кампания якунлари тўғрисидаги ахборотини бутун совет халқи зўр қониқиш блан эшитди. Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети кампания бошлангандан буён, я'ни 30 июньдан 1 августгача тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатига 115 миллион 275 минг 940 совет граждани қўл қўйганини хабар қилади.

Совет халқи Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб ўзининг сулҳпарварлигини, давлатимизнинг сталинча ташқи сиёсатини тўла қувватлаганини, большевиклар партиясига ва улуғ Сталинга чексиз садоқатини яна бир марта намойиш қилди. Имзо тўплаш кампанияси, барча шаҳар ва қишлоқларда, колхоз, совхоз далаларида, саноат корхоналарида, шахталарда ва конларда меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жуда ҳам ўсган бир вазиятда ўтди.

«Совет кишилари,—дейилади Совет Комитети ахборотида,—Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйиб, чексиз сулҳпарвар эканликларини, барча халқлар блан ҳамкорлик қилишни астойдил истаганликларини намойиш қилдилар ва урушга қарши, тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқларнинг хавфсизлиги учун курашдек олижаноб ишга янги ҳисса қўшдилар. Совет халқи тинчлик тарафдорлари уюшган халқаро фронтининг ишончли ва мустаҳкам таянчидир.

СССР меҳнаткашлари жуда кўп йиғилишларида ва митингларида Қурия халқига қарши босқинчилик уруши олиб бораётган чет эл агрессорларини нафрат блан қораладилар ва Қуриядан чет эл қўшинларини олиб кетишни талаб қилмоқдалар».

Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш — совет халқлари дўстлиги сра бузилмас қудратли куч эканини, СССР халқлари севикли Ватанимизнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш учун куч-ғайратларини аямай фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини бутун дун'ё олдида намойиш қилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида саноат ишлабчиқариши плани ошириб бажарилди, шу йилнинг иккинчи кварталида саноатнинг ялпи маҳсулоти ўтган йилнинг иккинчи кварталига нисбатан 21 процент ортди. Пландан ташқари талайгина миқдорда пўлат, рангли металл, кўмир, ёнилғи, электр қуввати, автомобиль, турли машина ва механизмлар, бинокорлик материаллари, кенг исте'мол моллари ишлаб чиқарилди.

Колхозчи деҳқонлар фидокорона ишлаб, 1950 йилда экин майдонини ўтган йилга қараганда олти миллион гектар кенгайтирдилар, ғалладан, пахтадан, барча экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар. Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилиш, тинчлик учун курашга муносиб ҳисса қўшиш, ҳарбир совет гражданининг олижаноб бурчи бўлиб қолди.

Республикамизнинг йирик корхоналаридан бири Фарғонадаги Дзержинский номли тўқимачилик комбинатининг мастер ёрдамчиси П. Саримсоқов Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб бундай деди:

— Империалистлар янги жаҳон уруши чиқаришга уринаётган шу кунларда социалистик Ватанимизни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш бизнинг бурчимиздир. Бригадамиз тинчлик вахтасида туриб ишлайди ва нормани деярлик икки баравар ошириб бажаради.

Хева районидаги Молотов номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Б. Исмоилова колхозчилар оммасининг фикрини ифода қилиб бундай деб ёзади:

— Колхозимизнинг барча а'золари Мурожаатга қўл қўйиш блан бирга пахта далаларида стахановча меҳнат қилмоқда. Биз ғўзани ҳосил етилгунча парвариш қиламиз. Пахтадан мўл ҳосил етиштириб, социалистик Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаймиз.

Тинчликка армуғон ҳарбир
ишимиз
Меҳнатда гулларнинг атри,
ҳусни бор.
Сўзи бир, иши бир, иноқ кишимиз.
Сталин азмидай зафар барқарор
Яшасин доҳи
Эллар паноҳи

Ишчиларнинг социалистик мажбурияти, колхозчиларнинг фидокорона меҳнати, шоирнинг жўшқин илҳоми ҳозирги вақтда ягона бир мақсадга — бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлашга, севикли Ватанимизнинг қудратини тобора мустаҳкамлашга қаратилган.

Ҳукуматимизнинг изчиллик блан олиб бораётган тинчлик сиёсати даставвал мустаҳкам ижтимоий ва давлат тузумимизга, халқларимизнинг ма'навий-сиёсий бирлигига, улар ўртасидаги сталинча дўстликка асосланади. Совет ҳукуматининг тинчлик сиёсати, сталинча бешйилликлар даврида вужудга келтирилган қудратли индустриямизга, ғолиб колхоз тузумига суянади. СССР нинг тинчлик сиёсатини фақат мамлакатимиз меҳнаткашларигина эмас, балки чет эллардаги миллион-миллион дўстларимиз, бутун прогрессив инсоният қўллаб-қувватламоқда. Биз ҳозиргача қандай зўр ғайрат ва кучларимизга чексиз ишонч блан социализм жамияти қурган бўлсак, шундай ишонч ва ғайрат блан коммунизм сари бормоқдамиз.

Уруш оловини ёқучиларнинг дўқ-пўписаси ҳам, ҳар турли иғво ва фитналар ҳам, совет халқининг бу улуғ ижодкорлик, яратучилик ишини тўхтата олмайди, унинг коммунизм сари қудратли ҳаракатига ғов бўлаолмайди.

Ғолиб ва ижодкор совет халқи олдида бутун дун'ёда мустаҳкам тинчликнинг посбони совет иттифоқининг иқтисодий — ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш, 1950 йил планини муддатидан илгари бажариш вазифаси турипти. Республикамиз саноат корхоналари ишчилари йиллик планни муддатидан илгари — Улуғ Октябрь революциясининг 33 йиллиги кунигача бажариш учун бошланган социалистик мусобақа байроғини баланд кўтаришлари керак.

Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампанияси муносабати блан деярлик барча завод-фабрикаларимизда бўлиб ўтган митинглар ва йиғилишларда ишчилар 1950 йил планини муддатидан илгари бажариш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Эндиги вазифа — тинчлик учун кураш шиори остида бошланган мана шу ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик қилиш, ҳарбир корхона ва цехнинг ўз мажбуриятларини тўла бажаришига эришишдир.

Партия ташкилотларининг вазифаси меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни янада кучайтириб, уларга халқаро аҳвол ҳақида, партия ва ҳукуматимизнинг тинчлик сиёсати тўғрисида, совет халқи олдида турган буюк вазифалар тўғрисида суҳбат ва лекциялар уюштиришдир. Америка, Англия империалистларининг тажовузкорлик сиёсатини фош қилиш, озодликни севучи Қурия халқининг қаҳрамонларча олиб бораётган курашидан меҳнаткашларни хабардор қилиб туриш, халқимизнинг ҳуш'ёрлигини ошириш — ҳозирги вақтда сиёсий-оммавий ишларимизда асосий ўринни эгалламоғи керак.

Республикамизнинг барча колхозларида пахтани ҳосил етилгунча сифатли парвариш қилишни давом этдириш, пахта йиғим-теримига намунали тайёргарлик кўриш керак. Илғор колхозларнинг Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ва Министрлар Совети Мактубига жавобан пахта далаларида қилаётган ишларидан барча колхозлар ибрат олмоғи керак.

Илғор ғаллакорларимиз ажойиб ватанпарварлик ҳаракатини бошладилар. Ғаллакорларимиз барқарор тинчлик учун қўйган имзоларини мустаҳкамлаб тинчлик ғалла қизил карвонлари ташкил қилмоқдалар. Бу ташаббуснинг барча ғаллакорларимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, ғалла тайёрлаш давлат планининг муваффақиятли бажарилиши учун гаровдир.

Большевиклар партияси ишига, бутун дун'ёда тинчлик байроқдори улуғ Сталинга чексиз садоқатли бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари, Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф блан бажарадилар, улуғ Совет Иттифоқининг қудратини, шон-шуҳратини янада оширадилар ва уруш оловини ёқучи империалистларнинг ҳуружига қақшатғич зарба бериб, бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун муносиб ҳисса қўшадилар.

Тўрақўрғон, Тошлоқ, Бағдод, Водил районлари ғалла тайёрлаш планини бажардилар

Наманган область, Тўрақўрғон районининг колхозлари 1 августда давлат ғалла тайёрлаш мажбуриятларини (шолидан ташқари) тўла бажардилар.

Районнинг колхозлари ва колхозчилари ғалла ҳосилини сра нобуд қилмай қисқа муддатда тўла йиғиштириб олиш учун социалистик мусобақани кучайтирмоқдалар.

☆

Фарғона область, Тошлоқ ва Бағдод районларининг колхозлари ва колхозчилари давлат ғалла тайёрлаш мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар.

Водил районининг колхозлари давлат ғалла тайёрлаш мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Район колхозлари ғалла тайёрлаш планини 131 процентга етказдилар.

Бу районларнинг колхозлари ва колхозчилари тинчлик шарафига давлатга пландан ташқари ғалла топширишни давом этдирмоқдалар.

Илғор комбайнчилар

Самарқанд область, Зомин районидаги 3-нчи МТСнинг илғор комбайнчилари ғалла ўрим-йиғимида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Ўртоқ Петр Трофимович Балабоев ўз комбайнида 500 гектар ердаги ғаллани ўриб бериш мажбуриятини олган эди. У ҳозир 600 гектар ердаги ғаллани ўриб, олган мажбуриятини бажарди. Ўртоқ Балабоев иш даврида 1513 килограмм ёнилғини тежади. У ҳар куни бир комбайн блан 12 гектар ўрнига 25—30 гектар ердаги ғаллани ўрмоқда. Ўртоқ Балабоев яна 300 гектар ердаги ғаллани ўриб бериш мажбуриятини олди.

МТС нинг Абдураззоқов, Шутко ўртоқлар каби комбайнчилари ҳам ғалла ўрим-йиғимида намунали ишламоқдалар.

Х. ҚАЮМОВ.

Совет халқи — тинчлик тарафдорлари халқаро фронтининг содиқ ва мустаҳкам таянчидир

☆

УРУШ ОЛОВИНИ ЁҚУЧИЛАРНИНГ ПЛАНЛАРИ АЛБАТТА БАРБОД БЎЛАДИ

Урганч район, Киров қишлоқ советидаги Киров номли колхоз а'золарининг Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети Стокгольм сессиясининг Мурожаати ва СССР Олий Советининг Баёнотини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши юксак ватанпарварлик руҳи блан ўтди.

Йиғилишда биринчи бўлиб сўзга чиққан ўқитучи ўртоқ Раҳимов бундай деди:

— Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгрессидан кейин янги уруш оловини ёқучиларга қарши кураш янада қизғин тус олди. Ҳозир бутун дун'ёдаги меҳнаткашлар тинчлик тарафдорлари фронтини тобора кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун курашаётирлар. Уруш оловини ёқучи империалистлар тинчлик тарафдорларининг пўлат иродасини асло синдиролмайдилар. Империалистларнинг планлари албатта барбод бўлади.

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдуллаева бутун колхозчилар номидан гапириб, пахтакорлар уруш оловини ёқучиларга жавобан, колхоз далаларида ҳарқачонгидан ҳам юксак ғайрат блан ишлаяжакларини айтди.

Йиғилишда колхоз раиси Жуманиёзов, ҳосилот советининг раиси Худойберганов, колхозчи Каримов, Матқурбонов ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, уруш очишга интилаётган империалистларга қарши янги меҳнат зафарлари блан жавоб беришга ва'да бердилар.

Ўртоқ Сталин — тинчлик байроқдори

Фарғона область, Киров районида Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш зўр уюшқоқлик блан ўтди.

Момиқ фабрикасидаги йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Маткаримова: улуғ Сталин тинчлик ишига тинмай раҳбарлик қилмоқда, уруш оловини ёқучиларнинг шармандаси чиқади, деди. Фабрика коллективи 7 ноябрьгача йиллик планини бажариш мажбуриятини олиб, Мурожаатга қўл қўйди.

Жданов номли колхознинг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Аҳмаджон Шукуров Мурожаатга қўл қўяр экан, 348 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун колхоз а'золарини ғўза парваришини кучайтиришга чақирди. Калинин номли колхознинг Мурожаатга қўл қўйган барча а'золари 585 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш учун курашни кучайтириб юбордилар.

Э. МУҚИМОВ.



Самарқанддаги «26 Боку комиссари» шойи тўқиш фабрикасининг ишчиси Р. Жўраева тинчлик вахтасида ишлаб, кундалик топшириқни 150 процент бажармоқда.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



Тошкентдаги Ильич номли заводнинг ишчиси коммунист ўртоқ И. Йўлдошев тинчлик вахтасида ишлаб, ҳар куни икки норма бажармоқда.

А. Ашкинезер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МИРОҚИ РАЙОНИДА

Мироқи районининг Қизил Октябрь, Ғилон ва Хитой қишлоқ советлари Ҳисор тоғи бағрида жойлашган. Бутун ёз давомида қалин майсалар кўкариб турган бу ерларда қўй, эчки ва қорамол подалари, қорабайир йилқилар ўтлайди. Тоғ этакларида а'ло сифат қайроқи буғдой ҳосилга тўлиб ётади.

Тоғли қишлоқларнинг қиёфаси кундан-кун ўзгармоқда. Илгарилари якка одам зўрға ўтадиган сўқмоқлар, «ажал кўприкчалар» ўрнига совет кишиларининг зафарли меҳнати блан машина ўтадиган текис ва кенг йўллар қурилган. Ғилонда ҳам, Қизил Октябрь блан Хитой қишлоқ советларида ҳам колхоз гидроэлектростанциялари бор. Тоғ этакларида Ильич нури порлайди. Янги мактаб, клуб, қироатхона, касалхона, маданият ва истироҳат боғи бу қишлоқларнинг кўркидир.

Тинчлик тарафдорлари Доимий Комитети Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш Мироқи районининг тоғ қишлоқларида айниқса тантанали вазиятда ўтди. Ғаллакорлар, чорвадорлар, қишлоқ зиёлилари худди бир кишидек бўлиб Мурожаатга қўл қўйдилар.

Хитой қишлоқ советидаги «Қизил тоғ» колхози районда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш планини ошиғи блан бажарди. Бу колхозда Мурожаатга қўл қўйиш муносабати блан бўлиб ўтган митингда қариялардан Норбобо бундай деди:

— Меҳнат аҳли тинчлик бўлсин, осойишталик бўлсин дейди. Улуғ Октябрь қуёши бизга эрк, озодлик берди. Октябрь бизни қулликдан абадий қутқазди. Уруш оловини ёқучи муттаҳамлар шуни унутмасликлари керакки, коммунизм сари олға бораётган совет халқи Октябрь меваларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади ва уруш оловини ёқучиларнинг барча кирдикорларини охиригача фош қилади.

Тинчлик вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилаётган Мироқи районининг ғаллакорлари ғалла тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажариш, давлатга пландан ташқари бирнеча юз центнер дон топшириш учун курашмоқдалар. Илғор колхозлар ўз мажбуриятларини шараф блан адо этдилар. Нариманов қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз (раиси коммунист ўртоқ Асомов) ҳар гектар ердан 12 центнергача ғалла ҳосили етиштириб, планни ошириб бажарди. Бу колхоз икки йилдан бери тоғ шароитидаги совуққа чидамли, тезпишар «Ватан» деган буғдой нав'ини ўзлаштирмоқда. Колхоз, райондаги барча колхозларни бу уруғ блан та'минлаб келади. Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйган колхоз чорвадорлари чорва моллари учун қиш мавсумига етадиган ем-хашак тайёрлаш, қўтон ва яйловлардаги биноларни ремонт қилиш ишларини тамомладилар.

М. АШУРОВ.

☆

Тинчлик вахтасида

Бухоро область, Ғиждувон район, Улфатбиби қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг а'золари тинчлик вахтасида туриб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашда ажойиб намуна кўрсатмоқдалар.

— Ғўза қатор ораларида ўтказилаётган ҳарбир кетман чопиғи, ҳарбир культивация, ғўзага берилаётган ҳарбир томчи сув, ўғит, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Раҳима Эрматова, — янги уруш оловини ёқучи империалистларга қақшатғич зарбадир. Биз бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун пахтадан албатта юқори ҳосил етиштирамиз. Мен урушга қарши, тинчлик иши учун ҳисса қўшиб, кунига икки норма иш бажараман.

— Тинчлик иши енгилмасдир, — дейди колхоз раиси ўртоқ Шарипов, — тинчлик тарафдорларининг сафи шундай мустаҳкамланиб бормоқдаки, бу куч янги уруш оловини ёқучи империалистлар устидан албатта ғалаба қозонади.

Колхозчилар стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаб, ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар. Колхозда ҳозир ғўзалар 6-нчи марта парвариш қилинаётир. Ҳамма участкада ғўзалар ёппасига бир текисда ҳосил тўпламоқда.

Тинчлик қизил карвони

Тошкент қишлоқ район, Ленин қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг а'золари Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб, Тошкент шаҳар меҳнаткашларини сабзавот маҳсулотлари блан та'минлаш йўлида фидокорона меҳнат қилажакларини айтган эдилар.

Колхоз мавсум бошлангандан бери шаҳар меҳнаткашларини 160 тонна сабзавот блан та'минлади.

Картошка, қовун, помидор, савзи, узум ва бошқа маҳсулотлар ортилган бир машина ва 16 аравадан иборат тинчлик қизил карвони 3 август эрталаб шаҳар томонга йўл олди. Карвон «Яшасин бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик», «Шаҳар меҳнаткашларига сифатли ва арзон маҳсулот берамиз» деган шиорлар блан безатилган эди. Тинчлик қизил карвони олдида колхознинг собиқ раиси кекса коммунист Ҳайитбойота Тошмуҳаммедов келарди.

Сабзавот маҳсулотлари ортган аравалар соат 9 да Октябрь районининг колхоз бозорига кириб келди. Бу ердан колхознинг шаҳар бозорларидаги 9 та дўконига сабзавотлар тарқатилди.

Шу куни бошқа колхозлардан ҳам шаҳар меҳнаткашларига сотиш учун бирнеча ўн тонна сабзавот маҳсулоти келтирилди.

А. ШЕРМУҲАММЕДОВ.

Совет Иттифоқида



Сталин мукофоти лауреати ҳайкалтарош С. М. Орлов Москвага асос солган Юрий Долгорукий ҳайкалини ясамоқда. Бу ҳайкал Совет майдонига қўйилади. Суратда: ҳайкалтарош С. М. Орлов ўз ишхонасида.

З. Евзерихина фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҚОРАҚУМДАГИ МАКТАБЛАРДА ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

АШХАБОД. (ТАСС). 1 августда Қорақумдаги чорвадор колхозларнинг мактабларида ўқув йили бошланди.

Қорақум мактабларида машғулотларнинг бошланиши ва тамомланиши молларни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориб боқиш вақтларига боғлиқдир. Мактабларда ўқув йили одатдагидан бир ой илгари бошланиб, бир ой эрта тамомланади.

Бу йил Қорақум мактабларида бирнеча юз бола ўқийди.

☆ ☆

Қишлоқ радио станциялари учун энг яхши аппаратлар тайёрлаш конкурси

Совет радио саноати электр станциялар ҳали қурилмаган қишлоқ жойлар учун радиоузел, радиоприёмниклар, радиокарнайлар, батарей приёмникларини кўп миқдорда ишлаб чиқармоқда.

Қишлоқларни кенг миқ'ёсда радиолаштириш учун янги, янада мукаммал аппаратлар ишлаб чиқариш талаб этилади. СССР Алоқа министрлиги қишлоқ жойларини радиолаштириш мақсадида энг яхши аппаратлар тайёрлаш учун конкурс э'лон қилди.

Конкурс материаллари 1950 йил 1 октябрьгача топширилиши керак. Энг яхши лойиҳалар учун 15.000 сўм миқдорида биринчи мукофот, 10.000 сўмлик иккинчи мукофот ва 5.000 сўмлик учинчи мукофот белгиланди.

Конкурс радиолаштириш соҳасида ишловчи ходимлар, радио саноатининг ихтиро'чилари, рационализаторлари ва конструкторларнинг фаолиятини янада оширади. Радио ҳаваскорлари ҳам радио аппаратлар тайёрлашда қатнашадилар. (ТАСС).

Қозоғистон меҳнаткашларининг ҳиссаси

ОЛМАОТА. (ТАСС). Тинчлик вахтасида иш бошланганидан буён ўтган бир ой ичида ишлабчиқариш соҳасида янги муваффақиятларга эришилганлиги тўғрисида республиканинг ҳамма қисмидан хабарлар олинмоқда. Қарағанда шахтёрлари шу кунларда кўпроқ кўмир чиқармоқдалар. «Карагандауголь» комбинатининг ўнларча шахта ва конларида июль ойи плани анча ошириб бажарилди.

Киров номли йирик шахтада ишловчи кончилар катта муваффақиятларга эришдилар. Улар июль ойида пландан ташқари кўп кўмир чиқардилар. Ўртоқ Аринов бошчилигидаги илғор участка коллективи тинчлик вахтаси кунларида планга қўшимча равишда 1500 тонна кўмир чиқарди. 50/52-нчи шахтанинг коллективи ҳавзада биринчи бўлиб 10 ойлик планини бажарди.

Қозоғистон металлургия заводининг пўлат эритучилари ва прокатчилари стахановча тинчлик вахтасида зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Улар қарийб ярим ой илгари август ойи ҳисобидан металл чиқарабошладилар.

Иҳота дарахтзорлари станциялари учун машиналар

СССР Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига қарашли корхоналар мамлакатдаги иҳота дарахтзорлари станциялари учун машина ва асбобларни кўпроқ ишлаб чиқармоқдалар. Саноат шу йилнинг етти ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17 процент ортиқ машиналар ишлаб чиқарди. Июль ойининг ўзида шундай машиналардан 325 таси тайёрланди. Дарахт ўтқазадиган машиналар Повольжье, Украина ва мамлакатнинг марказий областьларидаги иҳота дарахтзорлари станцияларига юборилади. Ҳарбир агрегат кўп ишчининг меҳнатини бажаради.

Шу муносабат блан бошқа хилдаги машиналарга ҳам талаб ортди. Ҳозирги вақтда боғдорчилик-полизчиликда ишлатиладиган трактор ҳам кўп ишлаб чиқарилмоқда. Заводлар январь ойидан тортиб август ойигача 1949 йилнинг шу давридагига нисбатан уч марта ортиқ трактор тайёрлаб бердилар. «СОМ» сеялкалари тўрт марта ортиқ ишлаб чиқарилди. (ТАСС).



Тожикистон ғалла далаларида кўплаб ўзиюрар комбайнлар ишламоқда. Суратда: Даган Кинск МТСининг комбайнчиси Давлат Бобобоев «Тожикистон коммунисти» колхозида ғалла ўрмоқда.

А. Кузьмен фотоси. (ТАСС фотохроникаси.)

УЧ ҲАФТА ИЧИДА БИР ЯРИМ ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ИСФАРА. (Тожикистон ССР). (ТАСС). «Таджикуголь» трестининг кончилари Шахтёрлар кунини янги муваффақиятлар блан кутиб олмоқдалар.

Инженер Гладких раҳбарлигидаги 8-нчи шахтанинг коллективи уч ҳафта ичида бир ярим ойлик планни бажарди. Ҳарбир тонна кўмирнинг таннархи 6 процент камайди. Август ойининг биринчи кунларида бир кечаю-кундузлик меҳнат унуми июль ойидагига нисбатан 16 процент кўпайди. Навалоотбойшик Валиулин ва проходчи Сазоненко бригадалари яхши натижаларга эришмоқдалар.

Сон-саноқсиз табриклар

Ўртоқ И. В. Сталиннинг 70 ёшга тўлганлиги муносабати билан унга сиҳат-саломатлик ва узоқ йиллар умр тилаб, самимий истакларини изҳор қилиб, қуйидаги ташкилотлар табрикномалар юборидилар:

М. В. Фрунзе номидаги Қирғизистон Давлат педагогика институтининг коллективи;

Ростов область, Сальск районидаги Ново-Егорлинск машина-трактор станциясининг тракторчилари, комбайнчилари, ишчи ва хизматчилари;

Қозоғистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли Олмаота тоштарози заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Омск шаҳридаги электр-ўлчов асбоблари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Куйбишевдаги электроизоляция материаллари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

ВКП(б) Чувошистон область комитети ҳузуридаги партия курсларининг ўқувчилари, ўқитувчилари ва ходимлари;

Кишинев музика мактабининг ўқувчилари;

Ставрополь ўлкаси, Молотов районининг медицина ходимлари;

Херсон область давлат филармонияси ходимларининг коллективи;

Сталинград областидаги Ольхов ўрта мактабининг пионерлари, комсомоллари, ўқувчилари ва ўқитувчилари;

Харьковдаги маркшейдер асбоблари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

«Заготживсырьё»нинг Киевдаги мўйна базасининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари;

Ленинград шаҳар Фрунзе районидаги партия, совет касаба союз ва комсомол активларининг йиғилиши;

Ростов область, окушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг тантанали йиғилиши;

Минск юридик институтининг студентлари, илмий ходимлари ва хизматчилари;

В. В. Куйбишев номидаги Озарбайжон нефть тозалаш саноати илмий-текшириш институтининг илмий ходимлари, инженер-техниклари, ишчилари ва хизматчилари;

Механиклаштирилган қазиш трестининг Москва шаҳридаги «Стальпроект» институтининг инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Измаил шаҳридаги область, шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакилларининг тантанали йиғилиши;

Харьков шаҳридаги кекса большевиклар, илгари каторга ва сургунда бўлган сиёсий арбоблар ва Ватан урушида ҳалок бўлганларнинг оилалари;

Меҳнаткашлар депутатлари Новосибирск область Совети ижроия комитетининг ходимлари;

Москвадаги электромеханика техникумининг ўқувчилари, ўқитувчилари ва ходимлари;

Ленинграддаги Биринчи давлат чет тиллар пединститутининг профессорлари, ўқитувчилари, аспирантлари ва студентлари;

Литва ССР Балиқ саноати министрлигига қарашли Клайпеда тахта-идиш комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Урицкий номидаги Ростов-Дон мебель фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши;

Сумы область, Низовск қанд комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг коллективи;

Боку трактор-ремонт заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Рига шаҳридаги Латвэнерго ремонт-механика заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Озарбайжон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли пўлат қуйиш заводининг коллективи;

Грозный область, Каравогайск районидаги «Червленние бурунн» зотли қўйчилик совхозининг ишчилари, хизматчилари ва мутахассислари;

Ленинграддаги Сталин номли Ленин орденли металл заводининг комсомоллари;

Барнаулдаги мих-сим ва метиз заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

«Союзспецстрой» трестининг Ленинград бинокорлик бошқармаси коллективининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли Львов техникумининг студентлари, ўқитувчилари ва хизматчилари;

Сталинград область, Михайловка шаҳридаги конвойхонанинг ишчилари ва хизматчилари коллективи;

Курск область «Художник» жамияти ходимларининг коллективи;

Гомель областидаги Уваровичи районининг медицина ходимлари;

Харьков область, Ольховат районидаги «Червона зоря» колхозининг аъзолари;

Пенза область, Совет районидаги Будённий номли, «Парижская Коммуна» колхозларининг аъзолари;

Олтой ўлкаси Топчихин районидаги Заречный МТСининг ишчилари, хизматчилари, трактурчилари ва комбайнчилари коллективи;

Ворошиловград область, Успенск районидаги Энгельс номли колхозининг аъзолари;

Новосибирск область, Доволенск районидаги «Красний фронтовик» колхозининг партия, комсомол ташкилотлари ва колхоз аъзолари;

Львов область қишлоқ хўжалик бошқармаси ходимларининг коллективи;

Сталинград область, Ольховск районидаги «Красний путиловец» колхозининг аъзолари;

Молдавия ССР, Фалешти районидаги «Красное знамя» колхозининг аъзолари;

Озарбайжон ССР, Қосим Исмоил районидаги «Қизил аскар» колхозининг аъзолари;

Озарбайжон ССР, Хонлар районидаги медицина ходимларининг коллективи;

Олтой ўлкаси, Каменск районидаги «Юний пахарь» колхозининг аъзолари;

Сталинград область, Комсомольск ўрмон хўжалигининг ишчилари ва хизматчилари;

(Табрик телеграммалари рўйхатининг давоми газетамизнинг келгуси сонларида босилади).



Фарғона районидаги Каганович номли колхоз аъзолари бу йил янги мактаб ва касалхона бинолари қурдилар. **Суратда: колхозчи М. Майрамхонова** ўз боласини касалхона врачи **Сергуневскаяга** консультацияга олиб келди.

Ю. Шафеев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Колхозларда янги электр станциялар

Наманган область, Янгиқўрғон район, Қораполвон қишлоқ советидаги «Коммуна» колхозида кучли электр станция қурилмоқда. Шу кунларда колхоз идораси, чойхона, чорвачилик фермаси ва колхоз аъзоларининг уйларига электр симлари тортилмоқда.

Қ. Тўйчибоев.

Самарқанд область, Хатирчи район, Пахтакор қишлоқ советидаги Оржоникидзе номли колхозининг 86 киловатт кучга эга электр станцияси 250 колхозчининг уйини ёритмоқда. Электр қуввати билан ишлайдиган тегирмон ҳам ишга солинди.

Шу қишлоқ советидаги «Сталинобод» колхозида ҳам 25 киловатт кучга эга ГЭС қурилиб, 100 дан ортиқ колхозчининг уйи электрлаштирилди.

Ленин қишлоқ советидаги «Ёш ленинчи», Янгировот қишлоқ советидаги Крупская номли колхозларда қурилаётган электр станциялар Октябрьнинг 33 йиллик байрами кунигача ишга туширилади.

Ў. Камолов.

Андижон область, Марҳамат район, Кулла қишлоқ советидаги «Большевик» ва Киров номли колхозларининг аъзолари 650 киловатт қувватга эга электр станция қурилишини тамомладилар. Бу электр станция орқали Ўқчи қишлоқ советидаги «Коммуна», Ленин номли ва бошқа колхозлар ҳам нур билан таъминланади.

А. Мадраҳимов.

Қашқадар'ё областида

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Қамашн район, Тўқбой қишлоқ советидаги Калинин номли колхозда янги қироатхона, чойхона, магазин ва 4 синфли мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди.

КОЛХОЗ КЛУБИ

Китоб район, Калинин қишлоқ советидаги «Қизил юлдуз» колхозида 500 кишилик клуб биноси қурилди.

Клубда қироатхона, шахмат-шашка ва бошқа ўйинлар учун алоҳида хоналар бор.

КЎЧМА КИНО

Қарши район кинолаштириш бўлими колхозчиларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида алоҳида кўчма кино ташкил этди.

Районнинг узоқ қишлоқларидаги «Ҳужум», «Политотдел», «Комсомол», Молотов номли ва бошқа колхозларда «Биз кронштадтдан», «Буюк бурилиш», «Сталинград жанги», «Жуковский» кинофильмлари кўрсатилди.

6 ОЙ ИЧИДА 650 ЛЕКЦИЯ

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг Қашқадар'ё область бўлими омма ўртасида лекция пропагандасини кучайтирмоқда. Областнинг колхоз ва совхозларида шу йилнинг 6 ойи ичида «Халқаро аҳвол», «СССР ва капиталистик дунё», «Коммунистлар партияси—халқимизнинг етакчи раҳбар кучи» ва бошқа турли темаларда 650 марта лекция ўқилди.

РАЙОН КУТУБХОНАСИ

Яқинда Яккабоғ районининг марказида кутубхона учун кўркам бино қурилди. Кутубхона керакли жиҳозлар ва 3.000 дан ортиқ турли китоб билан таъминланди.

Х. КАРИМОВ.

Қисқа сатрларда

Самарқанд область кинолаштириш бошқармаси Пахтакор районига иккита кўчма кино юборди. Ҳозир алоҳида график асосида колхозчиларга «Фарғона қизи», «Сталинград жанги», «Ёш гвардия» ва бошқа фильмлар кўрсатилмоқда.

И. Иброҳимов.

☆

Қашқадар'ё область, Қарши район, Дашт қишлоқ советидаги «Октябрь 14 йиллиги» колхозида 4 хонали ясли биноси қурилиб ишга туширилди.

Б. Турдиев.

Фарғона область, Киров районидаги кино-театр ходимлари район марказидан узоқдаги ўнлаб колхозга бориб, «Ҳаёвий», «Сталинград жанги», «Учинчи зарба» ва бошқа кинофильмларни кўрсатмоқдалар. Кўчма кино ишида агитколлектив ишламоқда. **Қ. Узоқов.**

☆

Наманган область китоб савдоси бўлими Косонсой район, Терговчи қишлоқ советининг марказида янги китоб дўкони очди. Бу китоб дўкони Ровот, Чиндовул ва Ёртепа қишлоқ советларининг аҳолисига ҳам хизмат қилаётир.

К. Раҳимов.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети 1950 — 1951 йилнинг қиш фаслида аҳолини, маданий-маиший муассасалар ва болалар муассасаларини ёқилғи билан таъминлашга оид махсус қарор қабул қилдилар.

Қарорда аҳолини, маданий-маиший муассасалар ва болалар муассасаларини ёқилғи билан таъминлаш ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатилди.

Кўпгина министрликлар, ташкилот ва муассасалар ишга маъ'улиятсизлик билан қараб, ўзлари учун ажратилган ёқилғини ташиб олишга то ҳозиргача киришмаганлар.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советлари бу соҳада яхши ишламаётирлар. Улар ёқилғи олиш учун аҳолига ордерлар бериш билан кифояланиб келмоқдалар. Шаҳар транспортининг яхши ишламаганлиги, ёқилғи омборларининг иши тартибга қўйилмаганлиги сабабли шу йилнинг иккинчи кварталида аҳолига берилган ордерларнинг кўпига ёқилғи олинмаган.

Зарур миқдорда ёқилғи жамғариб қўйиш ва аҳолини, мактабларни, даволаш ва болалар муассасаларини қиш фасли учун ёқилғи билан таъминлаш ишидаги камчиликларни йўқотиш мақсадида, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети «Узглавтоппром»га (ўртоқ Ковалевга) ва «Средазуголесбит»га (ўртоқ Худяковга) аҳолининг эҳтиёжини таъмин қилаладиган миқдорда сифатли кўмир ташиб келтириш ишини тартибга солиш мажбуриятини юклади.

Министрликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек меҳнаткашлар депутатлари Советларининг шаҳар ва район ижроия комитетлари ёқилғи олиш учун аҳолига ўз вақтида ордерлар беришлари, бу ёқилғининг ўз вақтида ташиб олинишини назорат қилиб туришлари ва ёқилғини омборлардан ташиб келтириш учун транспорт билан ёрдам қилишлари керак.

Ёқилғи ташкилотларининг раҳбарларига ёқилғи омборларининг ишини тартибга солиш таклиф этилди, токи барча меҳнаткашлар ва ташкилотлар ўзларига тегишли ёқилғини кўп овора бўлмай, олабилсинлар.

Тошкентда ёқилғи ташувчи транспорт ташкилотлари ёмон ишлаётганликлари сабабли, Тошкент шаҳар партия комитетига ва шаҳар Советига транспорт ташкилотларининг ишини яхшилаш юзасидан зарур тадбирлар кўриш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети область, шаҳар ва район партия комитетларига, область, шаҳар ва район ижроия комитетларига мактаблар, болалар муассасалари, касалхоналар ва бошқа маданий-оқартув муассасаларининг ўзлари учун ажратилган ёқилғини омборлардан тезроқ ташиб олишларига доир масалаларни муҳокама қилишни, район ва шаҳар Советлари ҳузуридаги доимий комиссияларнинг ишини, шунингдек касаба союз ташкилотларининг ишини кучайтиришни топширдилар. Касаба союз ташкилотлари аҳолини, биринчи навбатда, Ватан уруши инвалидларини, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларини ва кўп болали оилаларни ёқилғи билан таъминлашни алоҳида назорат остига олишлари керак.

Ғўзани зарарли ҳашаротлардан сақлашда актив қатнашайлик

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ, ЧОРТОҚ РАЙОН, ОЙҚОРОН ҚИШЛОҚ СОВЕТИДАГИ СТАЛИН НОМЛИ КОЛХОЗ ПИОНЕР-ЎҚУЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА КОЛХОЗЧИ ПИОНЕР-ЎҚУЧИЛАРГА

Х А Т И

Бизнинг колхозимизга қардош Озарбайжон пахтакорларининг вакиллари келиб, Озарбайжон республикаси пионер ва ўқучиларининг ғўзани зарарли ҳашаротлардан сақлашда пахтакорларга ёрдам беришдаги тажрибаларини сўзлаб бердилар. Биз қардошларимизнинг бу ишларидан намуна олиб, ўз колхозимизда ғўзаларни зарарли ҳашаротлардан сақлаш ишига киришдик.

Бизнинг ота-оналаримиз, ака-опаларимизнинг йил бўйи меҳнат қилиб, пешона тери билан етиштирган ҳосилларини ҳар хил зарарли ҳашарот—кўсак қурти, ўргимчаккана, шира (ғўза бити) ва бошқалардан сақлаб қолиш биз ёш ватанпарварлар — пионер-ўқучиларнинг шарафли бурчимиздир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг республикадаги барча пахтакорларга ёзган Мактубидан илҳомланиб, ундаги вазифаларни бажаришда пахтакорларга ёрдам бериш мақсадида биз пионер ўқучилар ғўзаларни зараркунандаларидан сақлаш учун курашга отландик.

Кўсак қурти, шира ва бошқа зараркунандалар пахта ҳосилининг 3 процентини ва ундан ҳам кўпроғини нобуд қилиши мумкин. Биз ҳар бир туп ғўзани зарарли ҳашаротлардан сақлаб қолиш, уни ҳосилдан қолдирмаслик учун курашиб, республикамизда пахта тайёрлаш планини бажариб, ўртоқ Сталинга берган ва'дамизнинг устидан чиқишга ёрдам берамиз.

Мана шу мақсад билан биз, комсомол ташкилотининг раҳбарлигида, колхозимизнинг ҳамма бригадасида ҳашаротга қарши курашчи дружиналарга уюштик. Ҳозир колхозимизнинг айрим участкаларида зарарланган ғўзаларга дори сепиб, уларни ўргимчаккана ҳамда шира касалликларидан сақлаб қолмоқдамиз. Бу дружиналарга 483 пионер-ўқучи уюшган. Ҳозирги пайтда ғўзалар чеканка қилинмоқда. Шира ва кўсак қурти билан зарарланган чилпиндиларни дала четига чиқариб, ерга кўмиб ташламоқдамиз. Биз даладаги бу ишларимизни ёзда кўнгилни дам олиш ва янги ўқув йилига тайёрлик кўриш билан боғлаб олиб бормоқдамиз.

Биз, қишлоқлардаги ҳамма ўртоқларимизни қардош Озарбайжон пионер ва ўқучиларининг тажрибасидан республикамизда кенг фойдаланишга, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашишга чақирамиз. Биз шунга эришайликки, бирор туп ғўза ҳам ҳосилдан қолмасин. Айниқса, август ойи ичида ғўзанинг ҳосилига ҳосил қўшишда пахтакорларимизга яқиндан ёрдам берайлик.

Чортоқ район, Ойқорон қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг ғўза ҳашаротига қарши курашчи дружина аъзолари топшириғи билан:

Лобархон ЭРГАШЕВА, Юнус ДАДАБОЕВ, Қамбарали БАҲРОМОВ, Ҳусан ҲАСАНОВ, Ином ЮНУСОВ, Усмонжон ҲАЙДАРОВ, Хатам БУЛТУРОВ.

Потсдам қарорларининг беш йиллиги

1945 йил август ойида Потсдамда (Берлин яқинида) уч давлат — СССР, Америка Қўшма Штатлари ва Англия раҳбарларининг тарихий конференцияси тамом бўлди. Конференцияда Германияни бирлашган, сулҳпарвар ва демократик давлатга айлантиришни кўзда тутган қарорлар қабул қилинди.

Совет ҳукумати уруш вақтидаёқ ўртоқ Сталин та'бирлаб берган программага амал қилиб, Потсдам конференциясида демократик ва сулҳпарварлик асосида Германияни, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш учун курашди. Ўртоқ Сталин бундай деган эди: «...Гитлер тўдасини герман халқи билан герман давлати билан ўхшатиш кулгили бўлур эди. Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, гитлерлар келиб кетаберадилар, герман халқи, герман давлати эса қолаберади». Совет ҳукумати ўртоқ Сталиннинг ана шу машҳур кўрсатмаларига асосланди.

Ғарб давлатларининг Германия масаласида тутган йўли очиқдан-очиқ империализм руҳи билан суғорилган бўлиб, босқинчилик мақсадларини кўзда тутар эди. Ғарб мамлакатларидаги империалист доиралар жаҳон бозорларида рақобатчи бўлган Германияни жаҳон бозорларидан йўқотишни урушда ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйган эдилар.

Англиянинг ва Америка Қўшма Штатларининг империалистлари герман халқи билан гитлерчилар тўдасини бир-биридан фарқ қилиш ўёқда турсин, балки саноати тараққий этган, бирлашган давлат бўлмиш Германияни йўқотиш ва герман халқини қул қилиш мақсадида эканликларини очиқ э'лон қилдилар.

Шундай қилиб, Потсдам конференциясининг ўзидаёқ герман масаласида бир-бирига тамомила зид бўлган икки йўл, я'ни СССРнинг сулҳпарварлик ва демократик йўли ва ғарб давлатларининг реакцион, агрессив йўли бир-бири билан тўқнашди. Совет Иттифоқининг изчил ва қат'ий йўли, улуғ Сталиннинг Потсдам конференциясида шахсан қатнашганлиги конференцияда демократик принципларнинг, я'ни бирлашган, демократик ва сулҳпарвар Германияни тузиш принципларининг ғалаба қозонишини та'мин этди.

Германия демократик республикасининг бош министри Отто Гротеволь ҳукумат декларациясида бундай деган эди: «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати изчиллик билан амалга ошириб келган сиёсат Потсдам конференциясида Буюк Британияни ва Америка Қўшма Штатларини Германияни парчалаш планларидан воз кечишга мажбур этди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати доим Германиянинг бирлигини сақлашни қаттиқ туриб талаб қилди ва ўша вақтдаёқ Германияни парчалаш планларига қат'ий қарши чиқди».

Потсдам қарорлари Германиянинг иқтисодий ва сиёсий бирлиги принципини қабул қилди. Қарорларда бундай дейилган эди: «иттифоқчилар немис халқини йўқ қилиб юборишни ёки қул қилишни ниятида эмаслар. Иттифоқчилар немис халқининг ўз ҳаётини бундан кейин тинчлик ва демократик асосда қуришга тайёрланиши учун унга имконият бериш ниятидадирлар».

«Оккупация даврида, — дейилган эди Потсдам битимида, — Германияга иқтисодий жиҳатдан бутун бир мамлакат деб қаралиши лозим».

Потсдам битимида тўрт оккупацияни давлатнинг Германияни биргаликда идора қилиш принципи ҳам кўрсатилган эди. Шу мақсадда тўрт давлат, я'ни СССР, Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция қуролли кучларининг бош қўмондонликдан иборат Контроль совети тузилди. Сулҳ шартномаси тузиш юзасидан зарур тайёргарлик ишларини давом эттириш мақсадида Ташқи ишлар министрлари совети тузилди.

Потсдам конференциясида Германиянинг ҳарбий кучларини битириш ва уни демократлаштиришдан иборат кенг программа қабул қилинди. Бу программа Германияни тамомила қуролсизлантиришни, унинг ҳарбий имкониятларини тугатишни, иқтисодий кучларнинг картель, синдикат, трест ва шу сингарилар шаклида ғоят марказлаштирилганига хотима беришни, барча демократик партиялар ва эркин касаба союзларининг ишлашига руҳсат беришни кўзда тутар эди.

Репарация масаласи юзасидан Қрим конференциясида чиқарилган қарорларни амалга ошириш учун Потсдамда қабул қилинган программа жуда катта аҳамиятга эга эди. Ниҳоят, Потсдам конференцияси Германиянинг шарқий чегараларини белгилади. Польшанинг эски ерлари унга қайтариб берилди. Бундан ташқари, Кенигсберг (ҳозирги Калининград) шаҳри атрофидаги район билан бирга Совет Иттифоқи ихтиёрига топширилди.

Потсдам битимларининг асосий шартлари қисқа қилиб айтганда шулардан иборат эди. Бу битимларнинг асосий мазмуни Германияни демократлаштиришдан ва унинг ҳарбий кучларини битиришдан иборат эди; асосий мақсад — бирлашган, демократик ва сулҳпарвар Германия давлатини тузишдан иборат эди.

Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция Потсдам битимига хилоф равишда энг бошданоқ Германиянинг ғарбий доираларини шарқий доирасидан ажратиш, ғарбий доираларни тўрт давлат назоратидан чиқариш ва ғарбий доираларда реакцион ва милитаристик идора усулини барпо қилиш йўлини тутдилар. Англия ва америка оккупация доираларининг бир-бирига «қўшиб юборилиши» ва бу доиралар учун алоҳида маъмурият вужудга келтирилиши бу йўлдаги биринчи қадам бўлди.

Бизония Германиянинг кўп саноатлашган областларини бирлаштирди. Бизония тез орада Тризонияга айланди. Вашингтоннинг фармойишига муво фиқ, уч оккупация доирасида алоҳида пул ислоҳоти ўтказилди. Бу эса уч доираси Германиянинг қолган қисмидан тамомила ажратиб, яккалаб қўйди. Ғарб давлатлари 1949 йил 20 сентябрьда қўғирчоқ Бонн «ҳукумати»ни тузиб, Германияни тамомила парчалаб юбордилар.

Потсдам битими мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлигини сақлаб қолишни энг муҳим шарт қилиб қўйган эди. Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция ана шу энг муҳим шартни сурбетларча улоқтириб ташлаб, Ғарбий Германиянинг экономикасини чет эл магнатларининг ҳукмронлигига бўйсундириш, Германиянинг ғарбий доираларида реакция ва милитаризмни барпо қилиш йўлини тутдилар. Герман агрессиясининг асосий айбдорлари бўлган немис монополиячиларининг илгариги мавқе'лари тикланди. Америкали «республика қоровуллари»нинг «кичик шериклари» бўлиб қолган динкельбахлар, бюхерлар, фровейнлар ва немисларнинг бошқа йирик магнатлари Ғарбий Германиянинг халқ хўжалигини яна идора қилмоқдалар. Уларнинг биринчи иши Германиянинг ҳарбий имкониятларини тиклашдан, ҳарбий концернларни яна вужудга келтиришдан иборатдир.

Айни замонда герман армиясини тиклаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Ғарбий Германиядаги иттифоқчилар олий комиссияси 30 минг кишидан иборат мунтазам армия тузишга даҳлот киритиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги июль ойининг бошларидаёқ ма'лум бўлиб қолди. Биринчи жаҳон урушидан кейин бўлганидек, эндиликда ҳам бу армия келгусида қуролли кучларни кўпайтириш учун асосий куч бўлмоғи керак.

Шундай қилиб, ғарб давлатлари Потсдам конференциясининг Германия ҳарбий кучларини битириш тўғрисидаги қарорларини тамомила улоқтириб ташладилар. Удар Потсдамда қабул қилинган битимнинг мамлакатни демократлаштириш тўғрисидаги шартларини ҳам шундай сурбетларча бузадилар. Ашаддий ҳарбий жиноятчилар тюрьмалардан чиқариб юборилди. «Ватан союзи», «немислар иттифоқи», «немисларнинг империя партияси» ва шулар сингари ҳар хил фашист партиялари ва ташкилотлари авж олмоқда. Фашистлар Бонн «рейхи»даги раҳбарлик лавозимларига ошқора суратда тайинланмоқда.

Бу сиёсатдан кузатилган мақсад аёндир. Ўртоқ Маленков Москва шаҳар Ленинград сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Америка ва инглиз ҳукмрон доиралари ҳукмрон француз доираларининг ёрдами билан Потсдам қарорларини бузиб, герман давлатини йўқотиш йўлини, Германиядаги реакцион, фашист ва ўч олиш ниятидаги кучлардан фойдаланиш, Ғарбий Германияни Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига қарши ҳарбий арсеналга ва стратегик плацдармга айлантириш йўлини ўтказмоқдалар». Бундай мақсаднинг Потсдам қарорлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, албатта.

Совет Иттифоқи Потсдам қарорларига доим содиқ бўлиб келди. Ўтган беш йил мобайнида Совет Иттифоқининг тутган йўли Потсдам қарорларини оғишмай, қат'ий суратда бажариш йўлидир. Совет Иттифоқи бу йўлни ўтказиб, шарқий оккупация доирасида ҳарбий кучларни битириш ва демократлаштириш тадбирларини амалга оширди.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши Шарқий Германияда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга ғоят катта ёрдам берди... Бу ислоҳотлар Шарқий Германиянинг бутун иқтисодий ва сиёсий ҳаётини демократлаштириш учун энг муҳим замин бўлди. Бу ислоҳотлар натижасидагина демократик кучлар ўсиб, мустаҳкамланиб, ҳокимиятни ўз қўлларига олабилдилар.

Ғарб давлатларининг парчалаш сиёсати герман халқининг бир миллат бўлиб яшовига бевосита хавф туғдирган бир пайтда демократик кучлар Германияда янги, демократик ва сулҳпарвар давлатни тузиш ташаббускори бўлиб майдонга чиқдилар. 1949 йил 7 октябрьда Германия демократик республикасининг тузилганлиги э'лон қилинди. Бу республиканинг тузилиши, ўртоқ Сталиннинг сўзлари билан айтганда, Европа тарихида бурилиш нуқтасидир.

Республика ҳукумати энг бошданоқ Потсдам битимига асосланиб иш кўражагини билдирди...

Совет Иттифоқи Германиядаги демократик доираларнинг Германияни бирлигини тиклаш ва уни демократик ҳамда сулҳпарварлик асосларида тиклаш ишларини ўз қўлларига олишга қаратилган ҳаракатларини қонуний ҳаракат деб топди. Шу билан бирга Совет ҳукумати Германия демократик республикасининг Муваққат ҳукумати Потсдам конференцияси қарорларига мувофиқ равишда иш кўради деган баёнотни маълумот учун қабул қилди.

Германия демократик республикаси ўзи ташкил этилгандан буён ўтган тўққиз ой ичида демократик тартибларни мустаҳкамлаш, тинч давр эҳтиёжларига хизмат қиладиган экономиканн ривожлантириш ва бошқа халқлар билан сулҳпарварлик муносабатини мустаҳкамлаш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Ишчилар синфи ва унинг партияси — Германия Бирлашган социалистлар партияси тепарафига жипслашган республика меҳнаткашлари икки йиллик планни муддатидан илгари, бир ярим йил ичида бажардилар.

Бу эса республика халқ хўжалигини олдига янги, муҳим вазифаларни қўйиш имконини берди. Германия Бирлашган социалистлар партиясининг учинчи с'ездида тасдиқланган бешйиллик планнинг контроль рақамлари бу вазифаларнинг нимадан иборат эканлигини яққол кўрсатди...

Германия демократик республикаси Европада тинчликнинг муҳим омилига айланди. Герман ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва тинч ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланди. Германия халқи билан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари халқлари ўртасида янги муносабатлар пайдо бўлди. Июнь ойининг бошларида Польша-Германия давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида Германия Демократик республикаси билан Польша ўртасида шартнома тузилди. Шундан бир оз вақт кейин Германия демократик республикаси ва Чехословакия ҳукуматларининг биргаликда чиқарган аҳбороти э'лон қилинди. Бу аҳборотда немисларни Судет областидан кўчириш масаласи узилкесил ҳал этилган деб э'лон қилинди. Германия демократик республикасининг иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Польша, Чехословакия ва Венгрия билан тузган битимлари каби бу битимлар ҳам тинчлик ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Германия демократик республикасининг ҳукумати тинчлик учун курашни ўзининг бутун ишларига асос қилиб олди. Республика меҳнаткашлари атом бомбасини тақиқлаш тўғрисидаги Стокгольм Мурожаатига яқдилик билан қўл қўйиб, тинчликка бўлган иродаларини намойиш қилиб кўрсатдилар. 17 миллион киши ёки аҳолининг 90 процентн Мурожаатга қўл қўйди.

Германия демократик республикасининг Потсдам битимини пухта бажариш асосида эришган муваффақиятлари уч давлат томонидан чиқарилган тарихий қарорларнинг тўғри эканлигини яна бир марта кўрсатади. Бу муваффақиятлар Германия масаласини Потсдам конференциясида белгиланган йўл бланнига ҳал этиш мумкин эканлигини кўрсатади. Шу сабабдан Потсдам битими Англия ва Америкаининг герман агрессиясини тиклашдан иборат сиёсатига қарши, тинчлик ва демократия учун курашаётган барча тараққийпарвар кучларнинг жанговар программаси бўлиб қолади.

Д. МЕЛЬНИКОВ.

Социалистик мусобақа шартларини тўла бажариб, август ойида ҳосилга яна ҳосил қўшайлик!

Мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим тадбирлари амалга оширилмаётир

Биз Яккабоғ ва Қарши районлари пахтакорлари ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартларининг ҳосилга ҳосил қўшиладиган ҳозирги кунларда Қарши районидаги колхозларда қандай бажарилаётганини текшириб чиқдик.

Маълум бўлдики, райондаги бирқанча илғор колхозлар бу соҳада кўзга кўринарли иш қилаолганлар. Дашт қишлоқ советидаги «Октябрь 14 йиллиги» (раиси—Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Чўли Бегимқулов), «Коммунизм» (раиси ўртоқ Раҳмат Имомов), Паргуза қишлоқ советидаги «Социализм» (раиси ўртоқ Сағдиев) ва бошқа бирқанча илғор колхозларда ғўзани ҳосилга киритиш учун фидокорона меҳнат қилиб, барча агротехника тадбирлари амалга оширилган. Айниқса, 450 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган «Октябрь 14 йиллиги» колхозининг аъзолари ғўза парваришини намунали олиб бормоқдалар. Колхозда ҳозир 5-нчи чопиқ ва 6-нчи культивация тамомланган. Ғўзалар 2 марта озиқлантирилиб, 2—3 марта қондириб суғорилган. Колхознинг ўртоқ Холмурод Соҳибов бошлиқ звеноси ғўзаларини кўрган кўз қувонади. Юқори ҳосилли бу звенонинг ғўзалари 19—20 та ҳосил шохи олиб, 12 тагача кўсаклаган. Бу илғор колхозларда Октябрьолди социалистик мусобақа қизитилиб, ҳосилга ҳосил қўшиш учун кураш кучайтириб юборилмоқда.

Текшириш бригадамиз 10 кун мобайнида райондаги 30 дан ортиқ пахтакор колхознинг ишлари билан танишиб, юқоридаги колхозларнинг мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги тажрибалари оммалаштирилаётганини, райондаги кўп колхозлар мусобақа шартларини қониқарсиз бажараётганликларини аниқлади.

Райондаги колхозларда мўл ҳосил етиштириш тадбирларига енгилтаклик билан қараш, бу соҳада бўшашувчилик ва ўзибўларчилик кайфияти ҳукм суриб келган. Натижада, меҳнат интизоми бутунлай бўшаштириб юборилган. Бирқанча колхозчи дала ишларига қатнашмаётир. Кўпгина киши ўз нормасини мутлақо бажармайди. Дашт қишлоқ советидаги «Қизил байроқ» (раиси ўртоқ Йўлдошев), «Иқтисод» (раиси ўртоқ Рўзиев), «Ўзгариш» (раиси ўртоқ Авазов), Худойзод қишлоқ советидаги Охунбобоев номли (раиси ўртоқ Жавлиев), «Октябрь 15 йиллиги» (раиси ўртоқ Раҳмонов), Кат қишлоқ советидаги «1 Май» (раиси ўртоқ Салимов), Каманди қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» (раиси ўртоқ Ибодов) колхозларида меҳнат интизоми бўш.

Мисолга «Иқтисод» колхозини олиб кўрайлик. Бу колхозда ишга яроқли 200 дан ортиқ киши бор, аммо ғўза парваришига 115 киши ажратилган. Шу ҳисобдан пахта даласида 60 га яқин хотин-қиз ва ўсмирни кўриш мумкин. Эркаклар эса пахта даласида кўринмайди. Натижада, районда ғўзани парваш қилиш қаноатланарли эмас.

Районда ғўзанинг 4-нчи чопиғини, 5 культивацияси, 2-нчи суғориш ва 2-нчи озиқлантиришни 25 июльгача тугаллаш юзасидан график тузилган. Аммо бу график қоғоздагина қолиб кетган.

Райондаги бирқанча колхозда иш нормалари тўғри белгиланмаган. Меҳнатни ҳисобга олиш ва унга ҳақ тўлаш ишлари ёмон аҳволда. Каманди қишлоқ советидаги «Комсомол», «III Интернационал», Дашт қишлоқ советидаги «Қизил байроқ», «Иқтисод», Кўчқак қишлоқ советидаги «Гулистон», «Қизил деҳқон», Кат қишлоқ советидаги «Қизил қаҳрамон» ва бошқа бирқанча колхозда колхозчиларнинг ишлаган меҳнат кунларига аванс бериб борилмаётир.

Ўзбекистон К(б)П район комитетининг секретари Ульченко ва район ижроия комитетининг раиси Раҳимов ўртоқлар ғўза парваришидаги қолоқликнинг сабабларини аниқлаш ва уни тугатиш учун барча куч ва воситаларни сафарбар қилиш ўрнига, кўпроқ мажлислар чақириш, узундан-узоқ қарорлар чиқариш билан овора бўлиб, ишчи кучларини меҳнатни ташкил қилишга, пахтадан юқори ҳосил олишга сафарбар қилмаётирлар.

Айрим колхозларда колхозчилар учун нормал меҳнат шароити яратиб берилмаган. Болалар боқчаси, кўчма ясли ва дала шийпонлари номигагина бор.

Районда ғўзани чопиш билан культивация қилиш ўртасида катта узилишга йўл қўйилмоқда. Район бўйича 410 гектар ердаги ғўза бундан 10 кун илгари культивация қилинган бўлса ҳам, шу кунгача чопиқ қилинмаган. Шунингдек, ғўзани культивация қилмасдан, чопиқ қилиш ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, Дашт қишлоқ советидаги «Қизил байроқ» колхозини олайлик. Бу колхоздаги ўртоқ Шалаев бошлиқ звеносининг 11 гектар ердаги ғўзаси 1 июльда суғорилгани ҳолда, чопиқ қилинмаган. Ғўзанинг бўғзи қотиб кетиб ҳосилдан қолган ва гул ташлаган. Колхозда чопиқ 14—15 ўрнига 4—5 сантиметр чуқурликда, сифатсиз ўтказилган. Айрим участкалардаги ғўзалар 17—18 та ҳосил шохи олгани ҳолда, чеканка қилиш ҳали бошланмаган.

Бригадамиз райондаги ҳар иккала МТС да ғўзани культивация қилиш ишида хотиржамлик ва бепарволик кайфияти ҳукм сураётганлигини аниқлади. МТС директорлари Бедросов ва Фомин ўртоқлар «бу йил районда ғўзаларнинг аҳволи анча яхши» деган кайфиятга берилиб, ғўзани культивация қилишнинг сифати ва сур'атига эътибор бермаётирлар.

Хўш, бу МТС ларда аҳвол нега бундай? Механизация воситалари етишмайдими? Йўқ, асло бундай эмас. Ҳар иккала МТС ҳам бу йил давлатдан жуда кўп трактор ва бошқа асбоблар олган. Бу МТСлар энг кучли машиналар билан қуролланган. Фақат ана шу кучли механизация воситаларидан фойдаланиш изчиллик билан амалга оширилмаётир, холос. Агар МТС даги ҳамма трактор культиваторларидан тўғри фойдаланиб борилганда эди, районда 6-нчи культивацияни ҳам тамомлаш мумкин эди. Ҳар иккала МТС даги 60 га яқин трактор культиваторларидан 25—30 таси ишламоқда, улар ҳам ўз нормасини бажармаётир.

Обидида қишлоқ советидаги Ворошилов номли, Каманди қишлоқ советидаги Молотов номли колхозлардаги «универсал» тракторлари бир кун ишласа, 2 кун бекор туриб, ўз нормасини бажармайди. Бу ерда ғўзани саёз культивация қилмоқдалар. Дашт қишлоқ советидаги «Қизил байроқ» ва «Иқтисод» колхозларида Никбоев ва Чориев ўртоқлар бошқараётган «универсал»лар ғўзани сифатсиз культивация қилганлари устига, 5—10 кунлаб бузилиб, бекор тургандилар.

Ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсиши учун уни агротехника қоидалари асосида суғориш, айниқса Қарши районининг ер шароитида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо Қарши район пахтакорларининг жиддий хатоси шундаки, улар ғўзани суғориш ва сувдан унумли фойдаланиш ишларини уюшқоқлик билан олиб бормаётирлар. Бригадамиз райондаги колхозларда ғай усули билан ғўза суғоришнинг ташкил қилинмаганлигини, ғўзалар уст-устига бостириб суғорилганлигини кўрдилар.

Суғоришдаги агротехника қоидалари Обидида қишлоқ советидаги «Октябрь 20 йиллиги», Ёртепа қишлоқ советидаги Ворошилов номли, Кат қишлоқ советидаги «Жамият», «Мақсад» ва Паргуза, Худойзод қишлоқ советидаги колхозларда айниқса бузилаётир. Кат қишлоқ советидаги «Жамият» колхозидаги ўртоқ Шарофат Отамуродова бошлиқ звеносининг 4 гектар ердаги ғўзалар сувсизликдан қовжираб қолган. Йўлдошака номли колхознинг ўртоқ Болтаев бошлиқ бригадасининг 8 гектар ердаги ғўзалар чопиқ қилинмасдан, уст-устига бостириб суғорилгани учун, сарғайиб, ёнғоқлари ўсиб кетган. Бу бригаданинг Очил Бухоров звеносида ғўза суғориш учун берилган сув кўчага оқиб исроф бўлаётир.

Районда илғор колхозларнинг бирнеча минг гектар ердаги ғўзасида ҳосил шохлари 18—20 га етиб, чеканка қилишга тайёр турибди. Аммо колхозларда ғўзани чеканка қилиш устидан оператив раҳбарлик йўқлиги натижасида, тузилган график мутлақо бажарилмаётир. Оқибатда район бўйича 1.868 гектар ердаги ғўза чеканка қилинган, холос. Айрим колхозларда ғўзани чеканка қилиш қоидалари қўпол равишда бузилмоқда.

Биз Қарши районида социалистик мусобақа шартлари қониқарсиз бажарилаётганини, айниқса ҳосилга ҳосил қўшишдаги қўпол нуқсонларни очиб ташлаш билан, бу соҳада тегишли маслаҳатлар ҳам бердик. Биз ўз мусобақадошларимиз ғўзани ҳосилга киритишдаги қолоқликни даркор тугатиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришларига ишонамиз.

Ф. НАБИЕВ.

Ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Яккабоғ районидаги 2-нчи МТС директорининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари.

Бригада аъзолари:
Н. Ашуров. Сандал қишлоқ советидаги Молотов номли колхоз партия ташкилотининг секретари. **Б. Нурматов.** Яккабоғ МТС ининг участка агрономи. **Б. Бердиев.** Яккабоғ қишлоқ советидаги «Намуна» колхозининг бригада бошлиғи. **Қ. Эгамбердиев, Х. Каримов.** «Қашқадарё қизил ҳақиқати» газетасининг ходимлари.



СоюзНИХИнинг Оқҳовоқдаги марказий тажриба агротехника станцияси пахта ҳосилини оширишга юзасидан катта тажриба ишлари олиб бормоқда. Суратда: илмий ходим ўртоқ **Исмат Мадраҳимов** тажриба станциясида етиштирилган ғўзани чеканка қилмоқда.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Пахта далаларида

Тошкент областининг Чиноз районидаги колхозларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг барча пахтакорларга қарата ёзган Мактубига жавобан, ғўза қатор ораларини ишлаш яна ҳам кучайтириб юборилди. Яллама қишлоқ советидаги Сталин номли 3-нчи колхозининг ўртоқ Бекмурод Умматкулов бошлиқ бригадасининг аъзолари ҳозир 56 гектар ердаги ғўзани 6-нчи чопиқдан чиқардилар. Улар чеканкани колхозда биринчи бўлиб тамомладилар. «Иккинчи бешйиллик», Сталин номли, Юсупов номли колхозларда ҳам август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун кураш қизғин бормоқда. Бу колхозларда ғўзалар асосан беш марта чопиқдан чиқарилди. Колхозчилар август ойи ичида ҳамма ердаги ғўзани яна икки марта парвариш қилиш учун курашмоқдалар.

Х. ИЎЛДОШЕВ.

☆

Фарғона область, Кағанович районидаги 1-нчи МТСнинг «Комсомол» колхозида хизмат қилаётган универсалчиси Юсуфжон Қурбонов бу йил мавсумда 1.200 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олиб, универсалчи Абдуллажон Пўлатовни социалистик мусобақага чақирган эди. Ҳар икки универсалчи ҳам ғўза қатор ораларини ишлашда яхши натижаларга эришдилар. Юсуфжон Қурбонов ҳозиргача 1.355 гектар, Абдуллажон Пўлатов 1.100 гектар ердаги ғўзани культивация қилдилар. Илғор универсалчилар август ойида камида 200 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олдилар.

К. РАҲИМОВ.

☆

Наманган область, Уйчи районидаги Андреев номли колхозда ғўза парваришн яхши бормоқда. Айниқса Нормирза Абдураззоқов бошлиқ звено аъзолари ғўзани парвариш қилишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Бу звенонинг 6 гектар ердаги ғўзаси ҳозир 5 марта чопиқ ва 6 марта культивациядан чиқарилди. Ғўзалар қондириб суғорилмоқда. Звено аъзолари ҳамма ердаги ғўзани чеканка қилиб бўлдилар. Август ойи ичида ғўзани яна икки марта парвариш қилиш учун курашилмоқда.

Н. МУҲИДДИНОВ.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Ёзги ич кетиш касалликларидан қандай сақланиш керак

Ёз фасли кириб, кунлар исий бошлагандан сўнг кишилар ўртасида ич кетиш касалликлари кўпайиши мумкин. Масалан, бу даврда, айниқса дизентерия (ич буруғ) касали кўп учрайди.

Дизентерия жуда юқумли касалликдир. Бундай касаллик пайдо бўлган ерда тозаликка ва медицина қоидаларига етарли риоя қилинмас экан, у кишилар ўртасида тез тарқалиб кетиши мумкин. Бу касаллик кўпинча бирданига бошланади. У блан оғриган кишиларда қорин оғриш, қон, йиринг аралаш ич кетиш ва бош оғриғи пайдо бўлади. Беморнинг иссиғи тез кўтарилиб, 38—39 даражага етиши мумкин. Ич кетиш бир кунда 10—15 мартага етади. Бунинг натижасида бемор киши тезда ҳолсизланиб, ётиб қолади. Бундан ташқари, оғир ҳолларда кўнгил айниш ва қайт қилиш ҳоллари ҳам бўлади. Агар касаллик ўз вақтида даволанмас экан, бу касаллик кишини нобуд бўлишга ҳам олиб келади. Еки, касал узоқ вақтга чўзилиб кетиб, хроник ҳолга ўтади. Бунинг натижасида касал киши кўп вақтга қадар ишга яроқсиз бўлиб қолади.

Дизентерия касаллиги болалар ўртасида ҳам кўп тарқалади. Болаларнинг организми анчагина нозик бўлгани учун, уларда касаллик анча оғир ўтади. Тўхтовсиз ич кетиш ва қусиш натижасида бола озиб кетади ва ҳолсизланиб бошини кўтараолмай қолади.

Бундай касаллик блан оғриган кишилар дарҳол докторга мурожаат қилишлари лозим.

Дизентерия касаллигини, шу касаллик блан оғриган кишилар тарқатадилар. Касал киши ташқарига жуда кўп миқдорда дизентерия микроби чиқариб туради. Бу микроблар касал кишининг кийим-боши ва идиш-товоқларида ўрнашиб олган бўлади. Бундай бемор блан алоқа қилган кишилар, масалан, уларнинг бемор киши блан бир лагандан овқат ейиши, беморнинг оғзидан папирос олиб чекиш, касалнинг идиш-товоқларида овқатланиш ва ҳоказолар бу касалнинг уларга ўтишига сабаб бўлади.

Дизентерия касаллигини тарқатишда пашшалар асосий ўрин тутадилар. Улар ифлосланган ерларга қўниб юриб (масалан, касалнинг ахлати, идиш-товоқларни ва ҳоказо), у ерлардан оёқларига дизентерия микробларини илаштириб оладилар ва уни турли ерларга, айниқса овқат моддаларига, турли мева ва сабзавотларга, гўшт, нон, сут ва шу сингариларга юқтирадилар. Микроблар бу овқат моддаларида кўпайиб, уларни зарарлайди. Шундай зарарланган овқат моддаларини истеъмол қилган кишилар бирнеча кундан сўнг дизентерия касали блан оғрийдилар.

Дизентерия касали блан касалланган кишиларнинг кийим-бошларини совуқ сувда ювилса, бу сув ҳам зарарланади. Ёз вақтларида шундай сувларда болалар чўмилсалар, улар ҳам дизентерия блан касалланишлари мумкин.

Шундай қилиб, юқоридаги сабабларга кўра, дизентерия ва шу сингари касаллар ёз пайтида кўпаяди. Дизентерия касали блан оғриб, сўнг тузалган кишилар бирнеча ҳафта (ҳатто ойлаб) бу касалликнинг микробларини ташқарига чиқариб юрадилар. Бунинг натижасида улар бошқа кишиларга дизентерия юқтириб юришлари мумкин. Бу ерда айниқса хроник (узоқ чўзилган) касаллар кўп хавфлидирлар. Улар йиллаб дизентерия микробини тарқатиб юрадилар.

Дизентерия касаллигидан қандай сақланиш керак? Бу касалликдан сақланиш учун ва унинг кишилар ўртасида тарқалиб кетмаслиги учун қуйидаги тадбирларга риоя қилиниши керак:

Аввало, дизентерия касаллиги блан оғриган кишини дарҳол бошқа соғ кишилардан ажратиш ва уни уйда боқиб ўтирмай, тезлик блан касалхонага жойлаш керак. Бу тадбир касалнинг ўзи учун ҳам муҳимдир. Чунки бундай бемор алоҳида тиббий ёрдамга муҳтож бўлади. Уни касалхонада махсус дорилар блан даволайдилар.

Иккинчидан, пашшалар блан курашиш керак. Пашшалар ўз тухумларини тўпланиб қўйилган гўнг, ахлат ва шу сингари ифлос ерларга қўядилар. Шунинг учун ахлат ва гўнгларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Пашшаларни уйга киргизмаслик учун эшик ва ойналарни тўр блан қоплаш керак. Уй ва ошхоналарга пашша тутучи елимли қоғозлар ёки формалин суюқлиги солинган идишларни қўйиш керак. Бутун овқат моддалари, чунончи: нон, гўшт, сут, мева ва сабзавотлар ёпиқ шкафларда ва қопқоқлик идишларда сақланилиши зарур. Бозордан сотиб олинган мева ва сабзаворларни қайнатилган тоза сув блан яхшилаб ювиб, сўнг истеъмол қилиш лозим. Чунки унга пашшалар қўнган бўлади ва улар зарарланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, озиқ-овқат, меваларни сотучи киши дизентерия касали блан оғриган бўлиши ҳам мумкин.

Ниҳоят, ҳарбир киши ўз шахсий озодалигига зўр эътибор бериши керак. Тозалик—соғлиқнинг гаровидир.

Шахсий озодалик нималардан иборат? Аввало, киши ўз баданини айниқса қўлларини доим тоза сақлаши зарур. Ҳар ҳафтада ҳаммомга бориш ва кийим бошларини тез-тез алмаштириб туриш керак. Ҳар гал овқатдан олдин қўлларни совун ва тоза сув блан ювиш лозим. Овқатни умумий лагандан емаслик лозим. Кўпинча ич кетиш касали қайнатилмаган сув ичишдан келиб чиқади. Шунинг учун ариқ ва ҳовузлардан сув ичмаслик керак.

Сўнгги вақтларда юқумли касалликларга қарши эмлаш усуллари топилган. Масалан, ич терламаси, дизентерия ва шу сингари касалликларга қарши шундай усуллар қўлланилади. Бундай касалликларга қарши эмлатган кишилар ўртасида касалланиш кам учрайди. Эмланган киши касал бўлганда ҳам, касаллик жуда енгил ўтади. Шунинг учун ҳарбир киши бу касалларга қарши эмлатиши зарур. Бу блан улар ўзларини касалликдан сақлайдилар.

Юқорида келтирилган тадбирларга қунт блан амал қилинар экан, киши ўзини хавфли касалликлардан сақлайолади.

А. ҚОДИРОВ.
Врач.

Водил МТСининг муваффақияти

Фарғона область, Водил МТСининг коллективи ғўза қатор ораларини ишлаш планини муддатидан олдин бажарди. МТС коллективи пландан ташқари яна 8 минг гектар ерни ишлаб бериш мажбуриятини олди. Тракторчилар, механиклар ва МТСнинг барча ходимлари 1950 йилда МТС хизмат қиладиган колхозларда ҳар бир гектар ердан 24 центнердан ҳосил етиштириш учун август ойида яна зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

К. ҲАЙДАРОВ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Андижон областида янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилмаётир“

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 21 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида ўртоқ **Т. Мирзаевнинг** мақоласи босилган эди. Мақолада Андижон областининг Жалақудуқ, Марҳамат, Хўжаобод ва Ойим районларида мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда жиддий камчиликлар юз бераётганлиги кўрсатилган эди.

Ўзбекистон К(б)П Андижон область комитети бу мақолани бюро мажлисида муҳокама қилиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди.

Область партия комитетининг бюро мажлиси район партия комитетларининг секретарьларига ва район ижроия комитетларининг раисларига янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масалани икки кун ичида муҳокама қилиб, мактабларни янги ўқув йилига белгиланган муддатда тайёрлаш юзасидан амалий тадбирлар белгилашни топширди. Шу блан бирга, область халқ маориф бўлимининг мудири ўртоқ Ашуровга район халқ маориф бўлими мудирларининг мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашга қилаётган раҳбарликлари устидан контрольликни кучайтириш ҳақида тегишли топшириқлар берилди.

Ги де Мопассан

(ТУҒИЛГАН КУНИГА ЮЗ ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН)

Машҳур француз ёзувчиси Ги де Мопассаннинг туғилган кунига бугун 100 йил тўлди.

Мопассан — XIX асрдаги француз реалист ёзувчиларининг вакили, классик реализм адабиётига хос энг яхши ан'аналарининг ворисидир.

Мопассан учинчи республика даврида, Париж Коммунаси тор-мор келтирилганидан кейин бошланган реакция даврида яшади. Мопассан француз-прусс урушининг иштирокчиси ва Франция учраган ҳарбий мағлубиятнинг шоҳиди бўлди. Мопассан дворянлар жонажон мамлакат тақдирига жинояткорона бепарволик блан муносабатда бўлганлигини ва халқнинг бошига тушган фалокатлар орқасида бойлик ортдиручи буржуазия ўз хусусий манфаати йўлида халқнинг манфаатини сотганлигини кўрди. Уруш йилларининг таассуротлари ёш ёзувчи қаламларининг шаклланишига катта та'сир кўрсатди, унинг ҳукмрон доираларга нисбатан кескин салбий муносабатини белгилаб берди.

Ватанни прусс милитаризмига сотган версаль жаллодлари республикасини Мопассан нафратлади. У, Франциянинг сотқин ҳукмдорлари ҳақида, маккор сиёсатдонлар тўғрисида нафрат блан гапирди. Мопассан 70-нчи йилларда клерикаль—монархист тўданинг ҳаракатларидан ғазабланганини изҳор этди, шундан 10 йил кейин эса буржуа республикачилари ҳақида яна ҳам кескинроқ ёзди, уларнинг шармандали фаолиятини ўзининг энг яхши асарларида фош қилиб ташлади.

Мопассан қабиҳ буржуазия дун'ёсида эркин нафас ололмай ўғилар, лекин бу муҳитдан чиқиш йўлларини, пажот йўлларини билмас эди. Шунинг учун ҳам у, ножотсизлик, маҳкумлик ва ғайриинсоний ёлғизликни сезиб, қийналди. Мопассан бутун умри давомида мана шу кулфат ва маҳкумликка қарши зўр ихтирос ва ҳаётий куч блан курашиб келди.

Мопассан буржуазия дун'ёсининг адолатсизлигини кўрабилди. У, ижтимоий фалокатнинг туб сабабларини билмасе ҳам, кўп ижтимоий воқиаларни тўғри тушунаолди. Аммо Мопассан катта реалист-санъаткор бўлгани учун, ўз замонидаги буржуазия воқи'лигини шу қадар ҳаққоний ва дадил кўрсата билдики, унинг мана шу воқи'ликни фош қилиб ташловчи, кишиларни қаяжонга солучи ижодиёти бизнинг кунларимизда ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Мопассан қисқа ижодий умри давомида 300 дан ортиқ ҳикоя, 6 та роман, 3 та сайёралар китобини яратди. Бундан ташқари, у жуда кўп ше'р, пьеса ва адабий мақолалар ёзди.

1880 йилда Золя ва унинг дўстлари нашр этган «Медан оқшомлари» номли тўпламда нома'лум ёзувчининг «Дўндиқ» номли ҳикояси пайдо бўлди.

Бу ҳикоя — Мопассан ўз имзосини қўйган биринчи асар эди. Бу ҳикоя туфайли Мопассан катта обрў қозонди ва француз адабиётидан катта ўрин ишғол қилди.

Бу кичик ҳикоя Мопассан — мустақил ижодий услубга эга бўлган етук сан'аткор эканлигини кўрсатди; бу ҳикоя Мопассан реалистик исте'додининг ўзига хос характерларини очиб берди; бу ҳикоя буржуазия жамиятига нисбатан кескин танқидий назар блан қараш ва кучли истеҳзонинг ифодаси эди.

Мопассан таланти ўн йил давомида, Франциянинг энг йирик ёзувчиларидан бири бўлган Флобернинг раҳбарлиги соясида рўёбга чиқди. Мопассан ўз ижоди устида зўр бериб меҳнат қилди. Гистав Флобер Мопассаннинг биринчи адабий тажрибаларига раҳбарлик қилди, уларни текшириб турди, маслаҳатлар берди. У. Мопассанни турмуш воқиаларини кузатиб боришга ўргатди.

Флобернинг энг яқин дўстларидан бири бўлган И. С. Тургенев Мопассанга ғоят катта та'сир кўрсатди. Мопассан Тургенев блан учрашувлари ҳақида завқ блан ёзган. Флобернинг уйида бўлган ўтиришларда Тургенев буюк рус адабиёти ҳақида сўзлаб берар, ўзининг француз дўстларини Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Лев Толстойнинг энг яхши асарлари блан таништирарди. Мопассан Тургеневнинг: келажакда ёзиладиган романлар — ҳаёт романлари бўлиши керак, деган сўзларини эътибор блан тинглади. У, Тургеневнинг маслаҳатларини қадрлади, ўз ижодиётида Тургеневнинг маслаҳатларига амал қилди. Шундай қилиб, Флобер ва унинг адабиётдаги дўстларининг мактабида ёш ёзувчининг таланти юзага чиқди, ундаги ажойиб сан'аткорлик фазилатлари ривожланди.

Мопассаннинг «Ҳаёт» номли биринчи романиёқ (1883) у, Флобер ва Тургеневнинг маслаҳатларига амал қилганлигини кўрсатди. Лев Толстой «Ҳаёт»ни ажойиб роман деб, бутун француз адабиётининг Гюгонинг «Сафиллар» номли романидан кейинги энг яхши асари деб атади.

Мопассаннинг «Азиз дўст» номли иккинчи романи (1885) Мопассан танқидий реализмининг чўққисидир, бу романда Франциядаги учинчи республика ғоят кескин фош қилиб ташланади. Бу роман XIX асрнинг сўнгги чорагидаги буржуазия воқи'лигининг жуда кўп материали асосида ёзилган. У, энди дун'ёга келаётган империализм даври учун характерли бўлган воқи'ликнинг хусусиятларини акс эттиради. Романда молиявий капиталнинг ўсиши акс этган, Франциянинг Шарқдаги мустамлакачилик сиёсати ҳукматнинг жуда катта авантюраси сифатида кўрсатилган. Мопассан депутатлар палатасининг ҳийла-найранглари ва иборат фаолиятини очиб ташлайди, миллион-миллион бойликлар қандай йўллар блан ортдирилишини ҳамда министрликлардаги тубанликлар қандай йўллар блан содир бўлишини кўрсатиб беради.

Француз депутатлар палатаси тарихида сиёсий лўттибозлик ва авантюралар жуда кўп бўлган. Марокко экспедицияси юбориш ниқоби остидаги авантюра ҳам шулар жумласидандир. Мопассан мустамлакаларни қўлга киритиш мақсадида ҳукумат олиб борган махфий сиёсатни фош қилади ҳам министрликларнинг банк ва биржа хўжайинлари блан алоқасини кўрсатиб беради.

Мопассан ҳукуматнинг сиёсий лўттибозликлари ва бойлик ортдириш йўлидаги найранглари ҳамда бу найранглар газеталарнинг ёрдами блан амалга оширилганлигини очиқ кўрсатиб беради, шундай қилиб буржуазия матбуотининг сохтачилигини, принципсизлиги ва сотқинлигини омонсиз равишда фош қилиб ташлайди.

Мопассан буржуа парламенти вакиллари ҳақида, «республика дин аҳли» ҳақида ҳамда сотқин либераллар тўғрисида нафрат блан гапиради.

«Азиз дўст» романи учинчи республиканинг дастлабки давридаги буржуазия Франциясини ва бу мамлакатдаги чиркин парламентаризмни, сохта демократияни, миллатларнинг манфаати капитал манфаатига бўйсундирилганлигини кўрсатиб беради. Бу асар ҳозиргача ўзининг фош қилувчи кучини сақлаб қолган. Бу асар ҳозирги вақтда халқнинг мустақиллигини шармандаларча сотаётган, Францияни америка империализмига сотган ҳукмдорларга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Мопассаннинг шундан кейин ёзган «Монт-Ориоль» романида (1887) буржуа дун'ёсини кескин фош қилиш давом этади, буржуазия дун'ёсида ҳамма нарса — одамлар ҳам, ғоялар ҳам, туйғулар ҳам молга айлантирилганлиги кўрсатилади. Бу жамиятда ҳамма нарсанинг нархи пул блан белгиланади, ҳамма нарса олиб-сотилади.

Мопассаннинг фақат романларидагина эмас, айни вақтда ҳикояларида ҳам капиталистик дун'ёнинг тубанлиги, йиртқичлиги қораланади, очқўзлиги, мунофиқлиги, шахсиятфарастлик ва хусусий мулкчилик каби ярамас одатлари фош қилиб ташланади.

Буржуа адабиётшуносларидан Мопассан инсонятга таҳқир кўзи блан қарайди, одамларни менсимайди деб, ёзувчига туҳмат қилдилар. Аслида, Мопассаннинг асарларида инсонятга нисбатан таҳқир туйғуси йўқ, балки бу асарларда ёзувчи кулфатларга дучор бўлган инсонлар ҳақида қайғиради. Фашистлар ёқиб ташлаган китоблар орасида Мопассаннинг асарлари ҳам бўлганлиги бежиз эмас.

Мопассаннинг ижодиётида ғам-ғуссалар, оғир туйғулар кўплигига сабаб шуки, ўша замондаги воқи'ликнинг ўзи даҳшатли ва қайғули эди. Лекин Мопассан асарларининг бошқа томони, ҳам бор, бу — унинг ҳаётбахш қувноқлиги, инсонга бўлган ишончи ва табиатга бўлган оташин муҳаббатидир. Шу нарса ажойибки, Мопассан инсонларга хос бўлган энг яхши фазилатларни халқ ичидан излайди. У халқнинг мардлигини, содиқлигини, фидойилигини, яхшилигини тасвирлайди. Шунинг учун ҳам Мопассан «Симон ота» ҳикоясида темирчи Реми образини, «Ҳаёт» романида Розалия образини, «Асирлар» ҳикоясида Бертина образини, кекса Милон ва бошқалар образини яратаолган.

Мопассаннинг кўп ҳикоялари уруш темасида ёзилган. Мопассан ўз жонажон мамлакатига бостириб кирган «қонлибар»нинг қўполлиги ва ваҳшийлигини, прусс офицерлари ва генералларининг шафқатсизлиги ва қалбитошлигини («Фифи хоним», «Ақлдан озган киз», «Дуэль», «Икки огайни») кўрсатиб беради. У, қамалда қолган, аҳолиси очликдан қийналган Парижни, таланган Францияни тасвирлайди. Мопассан француз ватанпарварларини, халқдан чиққан оддий кишиларни чуқур меҳр блан тасвирлайди. У, яна шу оддий кишилар, софдил меҳнаткашлар орасидан халқнинг чин қаҳрамонларини топади. Ёзувчи уларнинг мардлигини, мисли-сиз қаҳрамонлигини, сабот-матонатини ҳикоя қилади. Мопассан урушдан фойда олувчи, ўз ватанининг бахтсизлиги орқали бойлик ортдируви буржуазиянинг «ватанпарварлиги» ҳақида истеҳзо блан ёзади.

Халқнинг бошига бало бўлган кераксиз урушдан Мопассан нафратланар эди. Унинг «Сувда» (1888) номли китобида ҳукмдорлар манфаати учун бошланган жинояткорона урушга қарши қаратилган ҳажжонлантируви, газаб, тўла мисра'лар бор. «Мамлакатга бостириб кириб, ўз кулбасини ҳимоя қилувчи одамни бўғиб ташлаш, бу одам оддий кийим кийганлиги учун, уни эзиш... бир бурда нони қолмаган бахтсиз кишиларнинг уйларини ёндириш, аш'еларини синдириш ёки ўғирлаш... миллион-миллион франкка ўқ сотиб олиб, уни ишлатиш, қашшоқлик ва вабо келтириш...», — урушнинг оқибати шундай.

Бойлик ортдириш учун миллион-миллион кишиларни қурбон қилувчилар ҳақида Мопассан ғазаблаиб ёзар экан, халқнинг қаршилик кўрсатишга бўлган ҳақ-ҳуқуқи ҳақида ва революция қонуний ҳодиса эканлиги тўғрисида ҳам ёзади.

«Идора қилинувчиларнинг бахт-саодатини кўзлаб идора қилиш керак. Худди кеманинг капитани кеманинг фалокатга учрашдан сақлаб қолгани каби, давлатни идора қилувчи киши ҳам халқни урушдан сақлаб қолиши керак. Мабода капитан кемани ҳалок қилса, ёки у бирор эҳтиётсизликда айбланса ёки эса қобилиятсиз деб топилса, уни суд қиладилар ва жазолайдилар. Ҳукумат уруш эълон қилар экан, нега уни суд қилиш мумкин эмас? Агар халқлар мана шуни тушунсалар, агар улар ўзларини ҳалокатга олиб боручи ҳокимият устидан ҳукм чиқаролсалар, агар улар ўз қонларининг тўкилишидан бош тортсалар, агар улар бировни қатл қилиш учун қўлларига берилган қуролни мана шу қуролни берган кишиларнинг ўзига қарши қаратаолсалар, ўша кунининг ўзидаёқ уруш абадий бартараф қилинган бўлур эди...».

Мопассан мана шундай кунниинг келишига ишонмади. Ғарбдаги буржуазиянинг ёзувчиси бўлган Мопассан ўз даврининг илғор дун'ёқараши даражасигача кўтарилаолмади, аммо софдил ва ҳаққоний сан'аткор бўлгани учун, кўп иш қилаолди. У буржуазия дун'ёсини нафратлади, буржуазия жамиятининг бутун жиноятлари ва соҳталикларини фош қилиб ташлади.

Бутун инсоният империалистик агрессия кучларига қарши зўр ғазаб блан бош кўтараётган, халқларнинг ягона иродаси бутун дун'ёда тинчлик ишини ҳимоя қилаётган ҳозирги даврда биз бундан ярим аср муқаддам капитализмнинг қабоҳатига қарши мардона курашган, халқни қонли қушхонага тортучи ҳукмдорларнинг жиноятини фош қилган буюк ёзувчи Мопассаннинг номини ҳурмат блан тилга оламиз.

Н. ХУЦИШВИЛИ.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ҚУРИЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 3 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 3 август эрта билан қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Чире (Дэйобури) районида Халқ армиясининг қисмлари америка қўшинларининг ва лисинманчи қўшинларининг бирнеча марта қилган қарши атакасини қайтариб, душманга катта талафот етказдилар. Чире (Дэйобури) районида олиб борилган жангларда Халқ армиясининг қисмлари душманнинг кўпгина солдат ва офицерларини ўлдирдилар ва ярадор қилдилар. Ўлжалар қўлга тушурилди.

Халқ армиясининг Чиньчжу (Синсю)-ни озод қилган қисмлари душманнинг қаршилигини енгиб, ҳужумни давом этдирмоқдалар.

ПХЕНЬЯН, 3 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Бош қўмондонлигининг бугун кечқурун эълон қилинган ахборотида бундай дейилади: Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларининг ва лисинманчи қўшинларининг қаршилигини енгиб, ҳужумни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Аньдон (Анто) томонида ҳужум қилаётган қисмлари 1 августда бу шаҳарни тамомила озод қилдилар. Аньдон (Антс)—Шимолий Кенсан вилоятидаги энг муҳим шаҳар бўлиб муҳим мудофаа узелидир.

Аньдонни озод қилиш учун олиб борилган жангларда Халқ армиясининг қисмлари душманнинг 1.200 солдат ва офицерини асир олдилар ва ўлжалар қўлга туширдилар. Бу ўлжалар орасида 13 дивизион тўпи ва 105 миллиметрли 6 тўп ҳам бор.

Халқ армиясининг қисмлари 1 августда Хамчхан (Кансио) шаҳрини озод қилдилар. Кўп асир олинди. 105 миллиметрли 4 тўп, 10 минометт, 200 дан ортиқ карабин, 10 оғир пулемёт ўлжа олинди.

ҚУРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 3 август. (ТАСС). Америка матбуотининг Қурия ва Токиодан олиб билдиришига қараганда, америка қўшинлари ва Жанубий Қурия қўшинлари Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсининг нариги томонидаги позицияларга 15 миля орқага чекинганлар.

Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири уқдириб ўтадики, америка қўшинлари ҳозирги вақтда Жанубий Қурия территориясининг атиги 10 процентидан сал кўпроқ қисмининагина ўз қўлларида ушлаб турибтилар. Шу билан бирга мудофаа линияси жанубий қирғоқдаги Пусан (Фузан)дан 40 миля ғарбдаги пунктдан шарқий соҳилдаги Йондок районигача салкам 150 миля масофага чўзилиб кетган.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири билдиради: Шимолий Қурия қўшинлари Кимчхондан 8 миля жанубда чекинаётган 1-нчи америка отлиқ (механикалаштирилган) дивизиясига қаттиқ зарба бермоқдалар.

НЬЮ-ЙОРК, 3 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Қуриядан билдиради: Қурия Халқ армиясининг артиллерияси 3 августда америкаликларнинг Нантонган (Ракуто-Ко) дар'ёсига олиб борадиган алоқа йўлларини бузишга ҳаракат қилиб Тэгу (Тайко) дан 14 миля ғарби-жанубдаги тош йўлни тўпга тутабошлади.

8-нчи армия қўмондонлигининг 3 августдаги ахборотида бундай дейилади: фақат икки районда — Чиньчжу (Синсю) районида ва Йондок (Эйтоку) районида жанг давом этмоқда. Ахборотда Кимчхонь (Кинсен) районида Шимолий Қурия қўшинлари анча актив ҳаракат қилаётганликлари, шунингдек Ёчхон (Рейсен) билан Аньдон (Анто) ўртасидаги районда Шимолий Қурия қўшинлари тўпланаётганлиги билдирилади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА И. В. СТАЛИН АСАРЛАРИНИНГ НАШР ЭТИЛИШИ

ВАРШАВА, 3 август. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги билдиради: Польша газеталари И. В. Сталиннинг тилшунослик масалалари юзасидан—«Ўртоқларга жавоб» сарлавҳали хатларини босиб чиқардилар.

ПРАГА, 3 август. (ТАСС). Прагада И. В. Сталиннинг «Тилшуносликдаги марксизм ҳақида» ва «Тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир» номли асарлари нашр этилди.

Чехословакия газеталари бугунги сонларида И. В. Сталиннинг Санжеев, Белкин, Фурер ва Холопов ўртоқларнинг тилшунослик масалалари юзасидан ёзган хатларига берган жавобларини босиб чиқардилар.

БУДАПЕШТ, 3 август. (ТАСС). «Сабад неп» газетаси И. В. Сталиннинг тилшунослик масалалари юзасидан — «Ўртоқларга жавоб» сарлавҳали хатларини эълон қилди.

ТИРАНА, 3 август. (ТАСС). Албания телеграф агентлиги билдиради: марказий газеталар И. В. Сталиннинг «Ўртоқларга жавоб»ини биринчи саҳифаларида босиб чиқардилар.

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛУЧИ БЕЛУЖИСТОН КОМИТЕТИ ТУЗИЛДИ

КАРАЧИ, 3 август. (ТАСС). «Сивил энд милетири газет» газетаси Кветтадан (Покистондаги Белужистон вилояти) олинган хабарни босиб чиқарди. Бу хабарда айтилишича, Кветтада тинчликни ҳимоя қилучи Белужистон комитети тузилган. Тинчлик тарафдорларининг 1 августда Кветтада бўлиб ўтган митингида тинчликни ҳимоя қилучи Белужистон комитетининг аъзолари сайланган, Саид Мираҳмадхон бу комитетнинг раиси қилиб сайланган.

Митингда ҳозир бўлган кишилар Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатига қўл қўйганлар ва Белужистоннинг бутун аҳолисига мурожаат қилиб, уларни бу Мурожаатга қўл қўйишга чақирганлар.

Голландияда Стокгольм Мурожаатига 241.168 имзо тўпланди

ГААГА, 3 август. (ТАСС). Голландияда ма'мурларнинг террорига қарамай, Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш давом этмоқда. 2 августгача мамлакатда Стокгольм Мурожаатига 241.168 имзо тўпланди.

НЬЮ-ЙОРКДА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИДАН ҚОНЛИ УЧ ОЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 3 август. (ТАСС). Касаба союзларининг тинчликни ҳимоя қилиш конференцияси томонидан тузилган Нью-Йорк комитети 2 августда митинг ўтказмоқчи эди, бу митинг тақиқланган бўлишига қарамай, Юнион-сквер майдонида намойиш бўлди. Бу намойишда тинчлик тарафдорларидан 15 минг киши қатнашди. Намойиш Қуриядаги америка қуролли интервенциясига қарши, тинчлик учун кураш шиори остида ўтди. Намойишчилар «Биз тинчликни истаймиз!», «Атом бомбасини тақиқланглар!» деган шиорларни айтдилар.

Полициячилар намойишчилар колонналарига ҳужум қилиб, одамларни калтакладилар ва қўллари билан урдилар, отлиқ полиция митингга тўпланган кишилар орасига ёриб кириб, уларни тарқатиб юборишга ҳаракат қилди. Намойишчилардан ўч олишда мингдан ортиқ полиция ходими қатнашди.

Отлиқ полициячилар хотин-қизларни шафқатсиз калтакладилар.

Полиция намойишчиларни метро станцияларига ва магазинларга ҳайдаб киргизди. Аммо бирнеча минутдан кейин халойиқ яна тўпланди. «Дейли уоркер» газетасининг ёзишича, Юнион-сквер майдони районида полициячилар намойишчиларнинг колонналарига ҳужум қилганидан кейин неча минглаб кишилар: «Атом бомбасини тақиқланглар, биз тинчликни истаймиз!» деб қичқиришиб, Бродвей бўйлаб Геральд-сквер-паркка қараб йўл олдилар.

Намойишчиларнинг бошқа бир гуруҳи Медисон-сквер-парк ёнига тўпланди. Бу ерда намойишчилардан бири Стокгольм Мурожаатини ўқиб берди. Ҳамма бу Мурожаатни табрик хитоблари билан ма'қуллади. Аммо,—деб ёзади газета,—касаба союзларининг тинчликни ҳимоя қилиш конференцияси вакили сўзламоқчи бўлганида «отлиқ полициячилар от суриб унинг олдига келдилар, отлардан тушиб уни уриб йиқитдилар».

Полиция Юнион-сквер районида намойишчилардан ваҳшийларча ўч олди. Намойишчилардан икки киши фонарь қўйилган устунларга чиқиб, тинчликни ҳимоя қилиш ҳақидаги шиорларни айтганида полициячилар улар устига ташланиб, қаттиқ калтакладилар. Улардан бирини, я'ни матрос Маккартини полициячилар қаттиқ калтакладилар, ҳатто ҳушидан кетгандан кейин ҳам юзига ва қорнига урабердилар, сўнгра уни полиция машинасига ташладилар.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги 13 киши қамоққа олинганлигини билдиради.

ТУРКИЯДА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИДАН УЧ ОЛИНМОҚДА

АНҚАРА, 3 август. (ТАСС). «Зафар» газетаси билдиради: тинчлик тарафдорлари Туркия жамиятининг қамоққа олинган 8 а'зоси кеча жамиятнинг раиси Бехиджа Боран ҳоким билан биргаликда Истамбуллан Анқарага келтирилди. Хабарда айтилишича, Анқара гарнизонининг ҳарбий трибунали уларни Анқарада суд қилади. Улар «миллий манфаатларга қарши қаратилган баёнотни босиб чиқариш ва тарқатишда» айбланадилар.

Айбдорлар Анқара туюрьмасига қамалдилар.

ШИМОЛИЙ АТЛАНТИК АҲДИГА ҚЎШИЛГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ

ЛОНДОН, 3 август. (ТАСС). Рейтёр агентлиги билдиради: Англия ташқи ишлар министрлиги Туркиянинг Шимолий Атлантик иттифоқига киришни истаганлиги ҳақида Туркия ҳукуматидан расмий хабар олганлигини ма'лум қилди.

Рейтер агентлиги билдиради: Шимолий Атлантик иттифоқига қўшилган мамлакатлар ташқи ишлар министрлари ўринбосарлари комитетининг ҳозирги вақтда Лондонда ўтаётган сессиясида «Ғарбий Германиянинг одамлари ва ресурсларини қачон ва қай тарзда ғарб давлатларини қайтадан қуроллантириш программасига қўшиш мумкинлиги» тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда.

Индонезия ҳукумати Қуриядаги америка агрессиясида қатнашишдан бош тортди

ГААГА, 3 август. (ТАСС). АНП агентлиги Индонезия Қўшма Штатлари ахборот министрлигининг вакили Абдулғани баёнотининг мазмунини Жакартадан ма'лум қилади. Ахборот министрлигининг вакили Индонезия ҳукумати Қуриядаги америка агрессиясида қатнашиш учун индонезияли бирор кишининг ҳам Америка Қўшма Штатлари қуролли кучлари сафига киришига рухсат бермайди деб уқдириб ўтган.



Суратда: Республикамизнинг энг яхши теннисчи-спортчиси Озод Ҳамдамова.

И. Глауберзон фотоси.

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАРИНИНГ VI СПАРТАКИАДАСИ БОШЛАНАДИ

Эртага 6 августда Ўзбекистон физкультурачиларининг VI спартакиадаси бошланади. Бу спартакиадада республикамизнинг барча областьларидан энг яхши физкультурачилар, республикамизнинг отоқли спортчилари қатнашадилар. Кеча спартакиада қатнашчиларидан бир группаси — Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё областьларининг физкультурачилари Тошкентга келдилар. Бугун Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро областьларининг спортчилари ҳам етиб келадилар.

Спартакиада қатнашчиларй мусобақа кунларида яхши натижаларга эришиш учун стадионларда машқ қилмоқдалар. Кеча «Спартак» стадионида Тошкент шаҳридаги спорт жамиятлари физкультурачиларининг машқлари ўтказилди. Шунингдек шаҳардаги мактаб ўқучиларининг ҳам машқлари бўлди.

Эртага «Спартак» стадионида спартакиаданинг бошланишига бағишлаб катта спорт байрами ўтказилади. Стадион бу кунга муносиб равишда безатилмоқда. Пойтахтнинг бошқа стадионлари ва маданият-истироҳат боғларида ҳам қувноқ, эпчил физкультурачиларимизни мунносиб кутиб олишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги Партколлегия қуйида номлари кўрсатилган кишилардан партия ишларини кўриш учун 1950 йил 9 августда, Тошкент шаҳар, Гоголь кўчасидаги 70-нчи уйга келиб, тубандаги ўртоқларга учрашишларини сўрайди

Ўртоқ Зокирхоновга: Ҳакимжон Бобожонов (Янгийўл районидан), Тўхтахўжа Эшоихўжаев (Тошкент шаҳридан), Николай Тихонович Красноярцев (Наманган шаҳридан), Дмитрий Михайлович Михайлов (Чирчиқ шаҳридан).

Ўртоқ Бабаницга: Федор Максимович Гаценко (Ғаллаорол районидан), Шаймардан Эшматов (Денов районидан), Вали Латипов (Қизилтепа районидан), Григорий Васильевич Слепцов (Нукус шаҳридан), Василий Александрович Чернишев (Когон шаҳридан).

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги Партколлегия.

Мас'ул муҳаррир Ҳ. ҒУЛОМОВ.

Хавфсизлик Советининг мажлислари

НЬЮ-ЙОРК, 2 август. (ТАСС). Хавфсизлик Совети СССР вакили Я. А. Малик раислигида бугун кун тартибини қабул қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқ учун яна йиғилди. Совет муҳокамасига икки таклиф қўйилган: биринчи таклиф шундан иборатки, Совет делегацияси, Хитой халқ ҳукумати вакилини Хитойнинг қонуний вакили деб таниш тўғрисидаги масалани, иккинчи модда қилиб Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этиш иккинчи масала қилиб муҳокама этилсин, деб таклиф этади; иккинчи таклиф Америка Қўшма Штатлари делегациясининг таклифи бўлиб, бунда, Совет юқорида айтилган икки масалани муҳокама қилмасин, балки бунинг ўрнига Америка Қўшма Штатлари тақдим этган резолюцияни муҳокама қилсин, деб талаб этилади. Бу резолюция Шимолий Қурияга қарши қаратилгандир. Шу билан бирга эслатиб ўтиш керакки, Советнинг 2 августдаги мажлисида америка вакили Остин тузатиш киргизди. Бу тузатиш даставвал Қуриядаги урушни қучайтиришга қаратилган америка таклифини муҳокама қилдиришни кўзда тутади.

Бугунги мажлисда биринчи бўлиб сўзга чиққан Англия вакили Жебб Остиннинг кеча киргизган тузатишини қувватлади.

Сўнгра СССР вакили сифатида ўртоқ Маликка сўз берилди.

Малик айтдики, кун тартиби масаласини, чунончи кун тартибидаги моддаларни ифода қилиш масаласини Совет уч мажлисдан буён кўраётир. Малик бундай деди: музокара вақтида иккита асосий йўл аён бўлиб қолди: биринчи йўл Қурия масаласини, СССР таклиф этганидек, тинч йўл билан ҳал қилиш нуқтаий назаридан муҳокама қилишдан иборатдир: иккинчи йўл эса—Қурия масаласига Қурияга қарши агрессияни қучайтириш нуқтаий назаридан қараштдан иборатдир.

Малик айтдики, Совет Иттифоқи масалани тинч йўл билан ҳал қилишга олиб борадиган йўлни қувватлайди. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати бўлса, Қуриядаги воқиаларни бузиб тасвирлаб, Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги агрессиясини оқлашга уринади.

Сўнгра Малик Қуриядаги ҳозирги аҳволнинг юз бериши тарихига тўхталди. Фактлар шуни кўрсатадики, — деди у, — Қўшма Штатлар Қурияда интервентларни йўли билан уруш чиқарди. Қўшма Штатларнинг қўғирчоғи бўлган Ли Син Ман Макартур буйруқларига амал қилиб, 38-нчи параллель орқали ҳужум бошлади. Малик 26 июньда америка газеталарида босилган фоторасмларни кўрсатди. Бунда давлат департаменти маслаҳатчиси Даллес ва Жанубий Қуриядаги америка элчиси Муччо 38-нчи параллельдан жанубдаги окопларда суратга олинганлар. Уларнинг атрофида америка офицерлари ва Ли Син Ман қуролли кучларининг вакиллари турибдилар. Малик бундай деди: Даллес ва Муччо ёки окопларга «гул узиш» учун эмас, балки агрессия тайёрлаш учун борганлар.

Малик айтдики, Қурияда интервентлик билан уруш ҳаракатларини бошлаган Қўшма Штатлар юз берган аҳволдан Қуриянинг ички ишларига қуролли куч билан аралашиш учун фойдаланди. Қўшма Штатлар,—деди ўз сўзини давом этдириб Малик—ҳеч шубҳасиз Қурияда агрессордир.

Малик бундай деди: Қурия масаласининг моҳияти шундан иборатки, Қурияда гражданлар уруши бормоқда. Қўшма Штатлар эса бу гражданлар урушига аралашиб қурия халқига ҳужум қилади, шу мақсадда америкаликнинг қуруқликдаги, ҳаводаги ва денгиздаги кучларидан фойдаланмоқда. Малик, бу очиқдан-очиқ агрессиядир, деди.

Қўшма Штатлар, — деди Малик, — ҳозирги вақтда Қуриядаги агрессияни янада кучайтиришга ва бу агрессияни Осиёнинг бошқа районларига ҳам ёйишга уринмоқда.

Хавфсизлик Совети олдида, — деди ўз сўзини давом этдириб Малик, — икки йўл турибди: Хавфсизлик Совети тинчлик йўлини ёки уруш йўлини танлаб олиши мумкин. Муваққат кун тартиби ҳақидаги совет таклифлари тинчлик йўлидан иборатдир, бу йўл Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этишни мақсад қилиб қўяди. Америка Қўшма Штатларининг йўли эса, Қуриядаги урушни кенгайтиришни кўзда тутади.

Хавфсизлик Совети икки йўлдан бирини танлаши лозим, лекин Хавфсизлик Совети а'золари состави қонунга мувофиқ бўлган тақдирдагина Совет буни қилаолади. Шу сабабли Совет Иттифоқи делегацияси Хавфсизлик Совети Хитой халқ ҳукумати вакилини дарҳол танисин деб талаб қилади. Агар бу талаб э'тиборга олинмаса, Советнинг ҳарбир қарори қонунга хилоф бўлади.

Шу муносабат билан Малик айтдики, Қурия масаласи юзасидан Қўшма Штатларнинг зўри билан Хавфсизлик Советида қабул қилинган қарор қонунга хилоф бўлиб, ҳеч қандай кучга эга эмасдир.

Малик аввалги сўзини такрорлаб бундай деди: Совет Иттифоқи делегацияси Хавфсизлик Кенгашини муваққат кун тартибига киргизилган ва Совет ранси томонидан тақдим этилган икки моддани ма'қуллашга чақиради, шунингдек Совет Қуриядаги урушни қучайтиришга қаратилган америка таклифини рад этсин деб талаб қилади.

Сўнгра Ҳиндистон вакили Рау гапирди. Рау, Ҳиндистон делегацияси Малик тақдим этган икки моддани кун тартибига киргизишни ма'қуллайди, лекин шу билан бирга америка таклифини ҳам кун тартибига киргизиш керак деб ҳисоблайди, деди Рау. Совет даставвал кун тартиби масаласини сўзсиз, сўнгра қайси моддаларни, чунончи совет таклифларинимми ёки Америка Қўшма Штатлари таклифинимми олгари муҳокама қилиш масаласини ҳал этсин, деб таклиф қилди.

Миср вакили Фавзий Ҳиндистон вакилининг фикрини қувватлади, сўнгра Совет муҳокамани чўзмай кун тартибини қабул қилиш масаласини овозга қўйишга киришсин, деб ғайри-расмий суратда таклиф этди.

Шундан кейин америка вакили Остин Советга 2 августда киргизилган тузатишни овозга қўйишни таклиф этди.

Остин шовқин-сурон қўтариб, Малик ўз мавқеидан Қўшма Штатларга «пропаганда йўли билан атака қилиш» учун фойдаланиб, деб дод-фар'ёд қилди. У Қўшма Штатлар бошлаган агрессия тинчлик ўрнатишга ёрдам беришни кўзда тутади деб исботлашга уринди, аммо у Америка Қўшма Штатларининг агрессияси ҳақида Малик айтган ишончарли далилларни рад этиш учун ҳеч қандай факт келтираолмади.

Остин нутқи тамом бўлгандан кейин Малик СССР вакили сифатида Остиннинг тажанг бўлиб айтган гапларига жавоб беришни истаганлигини билдирди. Шовқин-сурон қўтариш ва тажанг бўлиш, — деди Малик, — ҳеч қачон бирон низо'нинг ҳал қилинишига олиб келган эмас. Малик дедики, Остин ўз нутқида Малик айтган гапларнинг биронтасини ҳам рад этишга уринмади.

Сўнгра Франция вакили Шовель сўзга чиқиб, Франция делегацияси Америка Қўшма Штатлари йўлини қувватлайди, деди.

Югославия вакили кун тартибидаги моддалар масаласи, шунингдек Қурия низоини тинч йўл билан ҳал этиш масаласи овозга қўйилган вақтда бетараф қолажагини айтди.

Сўнгра Малик, Совет даставвал муваққат кун тартиби моддаларини, чунончи Хитой халқ ҳукуматининг вакили ҳақидаги ва Қурия низоини тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги моддаларни овозга қўйиши керак деб қарор қилди.

Англия вакили Жебб бу қарорга қарши чиқди. Қисқача мунозарадан кейин Совет Маликнинг бу қарорини овозга қўйди ва рад этди. Эквадор, Франция, Норвегия, Англия, Қўшма Штатлар, Куба вакиллари, шунингдек гоминданчилар вакили раисининг бу қарорига қарши овоз бердилар; Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон раис қарорини ёқлаб овоз бердилар, Югославия ва Миср вакиллари овоз беришда бетараф қолдилар.

Сўнгра Совет овоз бериш натижасида Қўшма Штатлар таклиф этган моддани кун тартибига киргизишга қарор қилди. Эквадор, Миср, Франция, Норвегия, Англия, Қўшма Штатлар, Куба вакиллари ва гоминданчилар вакили бу таклифни ёқлаб овоз бердилар. Совет Иттифоқи қарши овоз берди, Ҳиндистон ва Югославия овоз беришда бетараф қолдилар.

Шундан кейин Совет Хитой халқ республикаси вакилларини таниш тўғрисидаги масалани кун тартибига киргизиш масаласини овозга қўйди: беш мамлакат — Совет Иттифоқи, Ҳиндистон, Югославия, Норвегия ва Англия вакилларн бу масалани кун тартибига киргизишни ёқлаб овоз берди. Қўшма Штатлар, Франция, Эквадор, Куба вакиллари, шунингдек гоминданчилар вакили қарши овоз бердилар, Миср вакили бетараф қолди.

Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисида Совет вакили таклиф этган модданн кун тартибига киргизишни ёқлаб уч мамлакат — Совет Иттифоқи, Ҳиндистон ва Миср вакиллари овоз берди; Қўшма Штатлар, Англия, Франция, Эквадор, Куба, Норвегия вакиллари ва гоминданчилар вакили қарши овоз бердилар. Югославия вакили овоз беришда бетараф қолди.

Сўнгра Малик, шундай қилиб кун тартибида бир масала—Қўшма Штатлар киргизган масала қолди, деб эълон қилди. Совет Иттифоқи,—деди Малик, — бу қарорни қонунга хилоф деб, бу қарор Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал қилишга қарши қаратилган қарор деб, Советнинг ишида бешта доимий а'зоин қатнаштириш йўли билан Хавфсизлик Советида қонуний тартибни тиклашга қарши қаратилган қарор деб ҳисоблайди.

Навбатдаги мажлис 4 августда бўлади.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

«НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6 августда кечқурун **Гулсара.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 5 августда **Тўй.** (Кето билан Нико).

«НАВОИЙ» (қишки) — **кундуз ва кечқурун Уни Сухэ Батор деб атайдилар.**

«9-НЧИ МАЙ» — **«Потемкин» броненоси.**

«ИСКРА» (қишки) — 1-нчи залда **Ташландиқ бола,** 2-нчи залда рангдор фильм **Ўлимга маҳкум этилганлар фитнаси,** 3-нчи залда **Биринчи Май.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Балет солистқаси.**

«ЭШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 9 ва 11 да **Менинг севгим.**

«ШАРҚ» — **Эльбада учрашув.**

«РОДИНА», «ВАТАН», «ЭШ ГВАРДИЯ», «ХЕВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «УДАРНИК» кинотеатрларида — янги бадиий хитой фильми **Хитой қизлари.**

«Ташоблкоопинсоюз»нинг «РЕКОРД» АРТЕЛИГА

6—7 разрядли **дурадгорлар,** ускуналарни ремонт қилучи 6—7 разрядли **слесарьлар,** 3—4 разрядли **кроватьчи слесарьлар,** 6 — 7 разрядли **токарьлар,** қуйиш цехига **қолинчилар** ва **заливщиклар,** сим тортиш ишига **волочильщиклар**

КЕРАК

Бу ишларга ҳамма қабул қилинади. Инвалидлар ва ҳалок бўлган фронтчиларнинг аёллари биринчи навбатда қабул қилинади.

Адрес: Паркент кўчаси, 103-нчи уй, «Рекорд» артелининг заводи.

«ГЛАВКИНОПРОКАТ»нинг ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ республика кинотеатрларида кўрсатиш учун қуйидаги ЯНГИ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРДИ:

ИЛМИЙ ФИЛЬМЛАР:

1. **Кўмир шахталарида,**
2. **Донбасс шахталарида хавфсизлик техникаси,**
3. **Қорин даббаси.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР:

1. **Денгиз тубларида,**
2. **Қунгабоқар,**
3. **Колхоз ғишт заводи,**
4. **Бузоқларни ўстириш,**
5. **Майин жунли қўзиларни меҳр билан ўстирайлик.**
6. **Бир касб ҳақида ҳикоя,**
7. **Чорва молларини урчитиш техникаси,**
8. **Қандай қилиб тоза сут олиш мумкин,**
9. **Буни ҳамма билиши лозим,**
10. **Соғлиқ манбаи,**
11. **Чорва молларини боқиш асослари,**
12. **Трактор агрегатларини тузиш** (механизатор инженернинг суҳбати),
13. **Каспий дарвозалари,**
14. **Бу, асарсиз қолмайди,**
15. **Пиёдалар, эҳтиёт бўлинглар,**
16. **Ғалаба сари йўл,**
17. **Руслар кури.**

КИНООЧЕРКЛАР:

1. **Ёш совет ўлкаси,**
2. **Коньки бўйича жаҳон биринчилиги.**
3. **Ерни янгилаш,**
4. **Авиация спорти** (Авиацияга ёрдам беручи қўнгиллилар жамиятига — ДОСАВга а'зо бўлиб киринглар),
5. **Суворов хотираси,**
6. **Комсомоллар ўлкаси** (рус ва ўзбек тилларида),
7. **Бизнинг қанотларимиз,**
8. **Ҳамкорлик,**
9. **Билим — оммага,**
10. **Мастернинг оталиги,**
11. **Чемпионларнинг учрашуви.**

Бу фильмларни «Главкинопрокат» чиқарган.

Воентторгнинг бўлимларида ишлаш учун **бош бухгалтерлар**

КЕРАК

Иш ҳақи ўзаро келишилади. Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Шелковичная кўчаси, 12-нчи уй, Воентторг бошқармаси.

Буюртмачилар материалидан ҳархил

ТАХТА ИДИШЛАР, ПАНЖАРАЛАР, БОЧКАЛАР

ва картондан ҳархил буюмлар

ИШЛАБ БЕРИЛАДИ

38-146 ва 30-966-нчи телефонлар орқали мурожаат қилинсин.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуш бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 04670. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1127.